

درجہ دین اوز کا بیرپتی یہ کہ نہدی.

فک و غربیک حضور یشد، «توانی یہی آگنامیز، شبے سیز، ایٹر
عین اسی تھے۔ میں نہ کہ احمد شمس دادر.

۸۹
دالق و
شکار و سب و
میان لاری
لای کر کے
لیں تو لا

کفر الدین کفر الدین، کل
عمر کیمیز اخیر الدین وہ کہ

رہیں رہیں رہیں رہیں رہیں رہیں رہیں رہیں رہیں
وہ ڈیوڈ پاشلب، یعنکی قبورک
جیخاتاری عقانی چو جو زورات وہ والا
لوئی کوتکناری کچکیں، وہاں
پیدا ہو دیکھیں تو نکو شوش نکو پین مددت
کیا رہا کیا رہا کیا رہا کیا رہا
کیا رہا کیا رہا کیا رہا کیا رہا کیا رہا

لند میں تاؤی ڈیوانی سید
تلقیبیستاں نیز مری ثامانی فور کے
نش و وزیری یو کلمنندی،
ایران دستاہی کی تیشی
کا کاغذی،



БАКИР ЧҮБОНЗОДА ВА ЎЗБЕКИСТОН



БАКИР ЧЎБОНЗОДА ВА ЎЗБЕКИСТОН

(қисқа бир назар)

Тошкент
«Muharrir nashriyoti»
2017



УЎК 821.512.133

КБК 84(5Ў)6

Б25

Бакир Чўбонзода ва Ўзбекистон [Матн]: / напрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Б.Каримов – Тошкент: «Muharrir nashriyoti». 2017. – 64 б.

ISBN 978-9943-5117-7-4

Мазкур китобда XX асрнинг 20-30-йилларида Ўзбекистон ижтимоий-маданий ҳаётида муайян из қолдирган қримтатар зиёлиси Бакир Чўбонзоданинг ўзбек матбуотида босилиб чиқсан мақолалари жамланди. Шунингдек, китобчага мунаққид Вадуд Маҳмуднинг иккита мақоласи, академик Воҳид Абдуллаевнинг хотира-мақоласи ҳамда Бакир Чўбонзоданинг Усмон Кўчкор томонидан ўзбек тилига таржима қилинган айрим шеърлари ишова қилинди. Китоб 20-30-йиллар маданий-маърифий мұхитини, мустабид түзум қурбони бўлган олим ва шоир Бакир Чўбонзода илмий-адабий фаолияти ҳамда бадиий ижодини тасаввур қилишига ёрдам беради.

УЎК 821.512.133

КБК 84(5Ў)6

**Манбаларни нашрга тайёрловчи,
сўзбоши ва изоҳлар муаллифи:**

Баҳодир КАРИМОВ, филология фанлар доктори

Масъул мұхаррир:

Зайнобидин АБДИРАШИДОВ, филология фанлар доктори

ISBN 978-9943-5117-7-4

© «Muharrir nashriyoti»,
Тошкент, 2017 й.

БАКИР ЧЎБОНЗОДАНИНГ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Кримтатар халқининг истеъоддли фарзанди Бакир Чўбонзода 1893 йили Семферополь уездининг Қорасувбозор қишлоғида туғилади. 1909 – 1914 йилларда Истанбулда ўқиди. Ватанига қайтгач, Одессага боради. Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан ҳарбий хизматга жалб қилинади ва Австрия-Венгрия урушида қатнашади. Урушда асир тушган Бакир опти йил Венгрияда яшайди. Бу даврда у Будапешт университетининг тарих-филология факультетига ўқишига кириб бир неча тилларни ўрганади.

1920 йилда Истанбул орқали Кримга қайтади. Кейин 1925 йилда Бокуга кўчиб боради ва илмий-ижодий фаолият билан шуғулланади. Бакир Чўбонзода 1937 йили қатағон қурбони бўлди¹.

Бакир Чўбонзода фаолияти биргина Қрим ёки Озарбайжон илмий муассасалари билан чекланиб қолган эмас. Унинг номи XX асрнинг 20-30-йилларида собиқ Иттифоқ, жумладан Ўзбекистон адабий-мәданий, илмий-маърифий мухитида туркийшунос олим сифатида машҳур эди.

Ўзбек жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд 1925 йили ёзган “Тил ва ҳарф масалалари” мақоласида Бакир Чўбонзода номини тилга олади. Ўз вақтида “тилда бирлик” масаласини кўтариб чиқсан Исмоил Гапринскийни эслагандан кейин: “Бу кун эса бу масалалар илмий бир шаклда майдонга отиљмоқдадир. Бунинг биринчи намояндаси “Турк-татар илмий сарфи”, “Турк-татар лисониятина мадхал” отли илмий нарсалар эгаси Қрим дорилғунуни мударриси дўқтур Чўбонзодадир”, деб ёзади. 20-йиллар мухитида Чўбонзоданинг номигина эмас, эслатилган асарлари, ўзига хос илмий-назарий қарашлари ҳам маълум эди. Мақола муаллифи Чўбонзода асаридан кўчирмалар келтиради, Ҳасан Сабри Айвазов араб ёзувини ёқлаб мақола ёзганини айтади. Бу далиллар ўша давр зиёли-

¹ Ҳаёт йўли ҳақида батафсил қаранг: Сафтер Нагаев. “Маданий инқилоб аскари” // “Йылдиз” журнали. -Тошкент.1990 йил, 6-сон.

лари бир бирининг адабий-маданий ҳаёти ҳамда вақтли матботидан яхши хабардор бўлганини кўрсатади².

Бакир Чўбонзоданинг Ўзбекистон билан боғлиқ муҳим бир томони - ўзбек матбуотида эълон қилинган мақолаларида кўринади. Тарихий маълумотлар Бакир Чўбонзода ва Ўзбекистон мавзусидаги айрим чалкаш факрларга ҳам аниқлик киритади. Таникли адиб Сафтер Нагаев "Маданий инқилоб аскари" мақоласида Б.Чўбонзода "1926 йили биринчи марта Ўзбекистонга келган"ини ёзади³. Аммо бизнинг изланишларимиз натижасида қўлга киритилган бир мақола бу санани бир йилга ўзгартира олади. "Қизил Ўзбекистон" газетасининг 1925 йили 18 сентяброда "Илмий ва маданий масалаларимиз тўғрисида" сарлавҳали мақола босилган бўлиб, унинг охирида "Б. Чўбонзода. Тошкент" деган аниқлик мавжуд⁴. Демак, олим мақоласини Тошкентда туриб, адабий-илмий муҳитни маҳсус ўрганиб, ўша даврдаги Ўзбекистон маданий ҳаёти учун қандай муҳим вазифалар борлигини теран тасаввур қилиб ёзади.

Бевосита мақола мазмунига келамиз. Олим аввало, Ўзбекистоннинг - "эскидан донғли бир эл"нинг келажагига умид билан қарайди. Ўша даврда ҳал этилиши лозим бўлган айрим илмий ва маданий масалаларга тўхталишдан олдин: "XVII асрдан бошлаб XX асргача, яъни уч аср узун бир замон ичida уйкуга толган биз турклар энди уйғондик. Бироқ на маданий меросимиз ва на соғ-саломат қолган илмий қуролларимиз бор. Бурунги бойлик, адабиёт, мадрасалар, иқтисодий жиҳатдан бекаму кўслик ўрнида ёлғиз катта-катта сўроқ ва масалалар турадирки, биз ёшлар тез бир замонда бу сўроқларга жавоб беришга қарздормиз", деб ёзади. Бу сўроқларга туркий халқлар ўзаро муштарак-ўрталиқда жавоблар топиши лозим. Буларни санаб айтадики:

- биринчиси - истилоҳ-атамалар масаласи;

² Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи, сўзбoshi ва изоҳлар муаллифи Баҳодир Каримов). «Маънавият» нашриёти. Тошкент. 2007 йил. 136-137-бетлар.

³ Сафтер Нагаев. "Маданий инқилоб аскари" // "Йылдиз" журнали. -Тошкент.1990 йил, 6-сон.77-бет

⁴ Бакир Чўбонзода. "Илмий ва маданий масалаларимиз тўғрисида" // "Қизил Ўзбекистон" газетаси. 1925 йили, 18 сентябрь.

- иккинчиси - дорулғунун ва илмий ташкилот масаласи;
- учинчиси – алифбо ва адабий тил масаласи.

Буларни ечиш учун Бокуда туркологлар қурултойи ўтказилиши режа қилинаётганидан хабар беради⁵.

Вадуд Махмуд “Маориф ва ўқитувчи” журналининг 1925 йил 11-12-сонларида босилган “Туркиёт қурултойи” мақоласини юқоридаги режалар асосида ёзгандек таассурот қолдидиради. У ҳам қурултой заруратига, шунингдек, “туркиёт илми бизда ва ғарбда бошқа-бошқа эҳтиёжлар орқасидан” майдонга келганига ургу беради. Туркиёт илми “ўзимизнинг кимлигимизни”, “бошқалар орасида мавқеимизни билиш” учун зарур. Бунда ҳам ўзликни англаш, ҳам илмга хизмат қирралари мавжуд.

Бакир Чўбонзода ҳам, Вадуд Махмуд ҳам туркологлар қурултойида Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи ўтказилиши хусусида маълумот беради.

Бакир Чўбонзода Алишер Навоийга ўз муносабати ва эҳтиромини юқорида тилга олинган “Илмий ва маданий масалаларимиз тўғрисида” мақоласида қуйидагича баён этади: “Бизнинг фикримизча бу қурултойда Ўзбекистоннинг шу чоққача ўчмаган юлдузининг, яъни барчамизнинг адабиёт ва шеърда улуғи ва устози бўлган Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи қилиниши керак. Биз соғ туркча халқ тилида ёзишга уринган ўрта асрлар ичида туриб, йигирманчи асрнинг фикрларини ўртага отган ва Бўсна-Ҳарсангдан Қошқаргача ўлмас ном қолдирган бу доҳийни англашимиз керак”⁶.

Қисқа бир мулоҳазада бир неча муҳим жиҳатлар бор:

1. Алишер Навоий барчанинг “адабиёт ва шеърда улуғи ва устози” деб сифатланган.

2. Алишер Навоийнинг “соғ туркча халқ тилида ёзишга урингани”га ургу берилган.

3. Улуғ шоир ижодининг замонавийлигини: “ўрта асрлар ичида туриб, йигирманчи асрнинг фикрларини ўртага отган”, деб баҳолаган.

⁵ Бакир Чўбонзода. “Илмий ва маданий масалаларимиз тўғрисида” // “Қизил Ўзбекистон” газетаси. 1925 йили, 18 сентябрь

⁶ Ўша манба.

4. Доҳий шоир ижодиниг географик кўламини бирорта олим Бакир Чўбонзодага ўхшаб: “Бўсна-Ҳарсангдан Қошқаргача ўлмас ном қолдирган” тарзда оригинал ифодалаган эмас.

Ҳар ҳолда Б.Чўбонзодадек давр алломларининг бир жумласида бир қанча ҳикматлар мужассам бўлишини юқорида шарҳланган кўчирмадан ҳам кўриниб турибди.

Олим мақоласидаги Алишер Навоийга оид қарашлари шу гапдангина иборат эмас. Б.Чўбонзода илмий, маданий вазифаларни, ташкил бўлажак муассасаларни ҳам бевосита Навоий номига боғлайди:

“Мен шундай ўйлайманки, бу хилдаги юбилейдан кейин:

1. Бутуниттифоқ миқиёсида **Навоий ўчоги** юзага чиқариш - майдонга келтириш керакки, бу ўчоқ бутун турк-татар шоирларининг уюшмаси бўлсин ва унинг ўрнини тутсин;

2. Яна Иттифоқ миқёсида бир **Навоиёт институти** майдонга келтирилсин ва бу тўғрида русларнинг ўзгаришдан кейин шоир Пушкин теварагида яшаган ташкилотларидан ўрнак олинсин. Мана шу бир қанча сатрларни ёзиб, бу масалалар тўрисида фикрларнинг баён қилишларини таклиф йўлида бутун қийматли ўзбек шоир, адаб, олим ва маорифчиларига мурожаат қиласиз”⁷.

Туркий халқлар бир-бирини яхшироқ таниши орзуси ортида Бакир Чўбонзода шундай мулоҳазаларни айтди.

Бакир Чўбонзода Бокудаги туркиёт курултойи 1925 йил декабрь ўрталарида, Вадуд Маҳмуд эса 1926 йил биринчи февралда чақирилса керак, деган тахминни ёzádi. Лекин Бокудаги туркологлар курултойи 1926 йил 5 марта бўлиб ўтади. Бу курултойга Ўзбекистондан Элбек, И smoил Садрий, Ашурали Зоҳирий, Раҳим Иномов, Шокиржон Раҳимий, Назир Тўракуловлар вакил бўлиб боради⁸. Ҳақиқатан ҳам курултойда Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи нишонланади. Шу жараёнда “Навоий” номли тўплам нашр қилинади. Олим Алишер Навоийнинг “Вақфия” асарига сўзбоши тарзида “Навоийнинг типи ва тилчилиги ҳақида” (Боку, Азернашр 1926 й. 9-16-бетлар), шунингдек, Ҳусайн

⁷ Ўша газета.

⁸ Шокиржон Раҳимий. - Туркиёт курултойининг якунлари- // “Қизил Ўзбекистон” газетаси. 1926 йил, 14 май.

Байқаронинг “Девони”га сўзбоши сифатида “Байқаро ва девони ҳақида” (Боку, Азернашр. 1926. 11-15-бетлар) сарлавҳали мақолалар ҳам ёзади. Ўша мақолаларда: “Ҳар ҳолда туркдан чиқкан ёзувчилар Навоийнинг фикринча – бошқа тилдан зиёда ўз тилида ёзиши лозим. Ҳолбуки, ҳозирга қадар етишган улкан туркий адиллар асосан ажнабий тилларда, ўз тилларини унтиб, асарлар ёзишди”, “...Навоий турк тилининг – сўзининг сиёсий, илмий ва урфий маъноси билан шуурли мудофеъидир (онгли ҳимоячисидир - Б.К)”, “Навоийнинг кепрак ўз асарларидан, керак бошқа бир кўп манбаларнинг берган маълумотидан англашилишига кўра, Навоийнинг чигатой адабиётига йўл очишида Ҳусайн Байқаро уни ўз ҳимоясига олган ҳамда шу йўлга тарғиб-ташвиқ қилган. Негаким Навоий туркча ёзишнинг лозим ва фойдасига доир келтирган далиллари ичида Ҳусайн Байқарога ҳаяжон ва миннат тўла сўзлар билан ишорат этади” каби қимматли фикрлар бор⁹. Энг муҳими, Чўбонзода Ҳусайн Байқаро девони босилиши муносабати билан ёзган сўзбошида: “Бу нусха таникли ўзбек шоири ва адилларидан Фитратнинг китобхонасидаги нусхадан – илтимосимизга кўра кўпия этилган эди. Биз Фитрат орқадошимизда кўрганимиз ёзма нусха – ёзуви жиҳатидан – жуда очик, гўзал бўлгани ҳолда ундан қилинган нусха жуда ибтидоий бир ёзув билан майдонга кетирмишdir. Бунга-да сабаб бизнинг шошганимиз бўлса керак. Ҳар ҳолда боринча буюк заҳмат сарф этиб, биз учун бу нусхани кўпия эттирган Фитрат орқадошга биз “Ташаккур. Соғ ўл!” дейиш бурчимиздир”, деб миннатдорчилик изҳор этади. Бундай қимматли манбалар ўзаро алмашиш, туркий адабиётни ҳамкорликда ўрганиш Чўбонзода ва Фитратлар авлоди адабий-илмий хизматларининг бир қиррасини ташкил этади.

Айнан Чўбонзода сўзбошиси муносабати билан яна бир гапни ўнглаш лозим. С.Нагаев юқорида тилга олинган “Маданий инқилюб аскари” мақоласида шундай фикр бор: “Бакир оға одамларнинг истеъодини тез сезар эди. Масалан, “Ҳусайн Байқаро ва унинг девони” номли мақоласида ўзбек

⁹ Бокуда нашр қилинган шу мақолаларни бизга тақдим қилгани учун бокулик профессор Олмос Улви хонимга раҳмат айтаман – Б.К.

совет адабиётининг ёш талантлари ҳақида фикр билдириб, “эндигина адабиёт майдонига кириб келган Ойбекнинг келажакда таниқли адиб бўлишига аминман”, деб ёзган эди”. Ҳолбуки, Чўбонзода “Девон”га ёзган сўзбошисида замонавий ўзбек адибларига нисбатан: “**Ҳали бу кун Фитрат, Ҷўлпон, Элбек, Ойбек каби ўзбек шоирларнинг қўлландиги сўз ва соз кўрдиклари ва тараннум этдиклари тамомила бошқадир**” деган бир жумлани ёзган эди, холос. Демак, аниқ тарихий фактлар ёнига тўқима гапларни тикиштиришга заурат йўқ. Даили ҳар доим тахминни инкор этади. Ҳолбуки, Ойбек таланти, истеъдод кўлами ва ижодининг яшовчанлиги бундай гапларга муҳтож ҳам эмас.

Бакир Чўбонзоданинг ўзбек матбуотда босилган мақолалари бевосита алифбо бирлиги, адабий тил, лотинлаштириш каби масалаларга бағишланади.

1928 йил 11 январда олимнинг “Янги алифбе йўлида илмий ва назарий ишлар” (Янги турк алифбе қўмитасининг иккинчи пленумида қўмитанинг илмий котиби профессор Чўбонзода доклади) мақоласи “Қизил Ўзбекистон” газетасида чоп қилинади. Ушбу маърузада янги лотин алифбосига ўтиш жараёнлари, ҳар бир ҳудудда олиб борилган амалий-илмий ишлар, шу билан бирга мураккаблик ва қийинчиликлар тўғрисида маълумотлар берилади. Маъруза-мақоладаги мулоҳазалар “Илмий шўро қандай тузилди?”, “Янги фронтда катта ғалаба”, “Турк тиллари учун мувофиқ имло”, “Илмий шўроди иш тақсимоти”, “Имло тўғрисида вазифалар”, “Илмий шўрони мустаҳкамлаш лозим” каби кичик сарлавҳаларга бўлинган шаклда баён қилинади¹⁰.

“Қизил Ўзбекистон” газетасиниг 1928 йил 18 январь сонида “Алифбо бирлиги, сингормонизм ва фонетика” сарлавҳа остида “Туркиёт профессори ўртоқ Чўбонзода билан мусоҳаба” берилган. Бунда Чўбонзоданинг туркий тиллар тарихига, фонетик табиатига оид қўйидагича мулоҳазалари бор: “Сингормонизм 11 нчи асрнча турк халқарининг умумий хусусияти эди. Бу халқлар жанубга ва гарбга тарқалиб кетгандан сўнг, турк-татарларнинг кўпининг тили сомий ва орий халқарининг тили билан

¹⁰ Бакир Чўбонзода. “Янги алифбе йўлида илмий ва назарий ишлар” // “Қизил Ўзбекистон” газетаси. 1928 йил, 11 январь.

аралашди. Бунинг натижасида бу тилларга чет унсурлар кўп миқдорда кириб, сингормонизм қонуни бузулди.

Сингормонизмнинг қўлланиши фақат шаҳарлари суст ривожланган ва ислом таъсирига берилган ёзма адабиёти бўлмаган халқларда бир даража сақланиб қолган. Шундай қилиб, турк халқларининг биринчи гуруҳи учун алифбеда сингормонизмни қўлланиш мутлоқ мумкин эмас, иккинч гуруҳи учун бўлса педагогия ва лисоният нуқтаи назаридан мувофиқ эмас, ҳам зарарлик. Чунки бунинг натижасида белгилар камайиб, мазкур шевалардаги типовой овозлар йўқолади. Бу овозларнинг белгисини алифбеда тополмаган ўкувчи ёки ўқитувчи, мазкур сўзни ўқиган билан яхши тушунолмайди. Шу сабабидан қозоқларнинг алифбега сингормонизмни қабул қилмаймиз, дейишини табрик қилиш керак.

Янги турк алифбесининг асосий бойлиги фонетика (савтият)дир. Шу сабабдан сингормонизмни қўлланиш фонетикадан воз кечиш бўлади¹¹.

Бакир Чўбонзоданинг ўзбек матбуотида босилиб чиқкан яна бир мақоласи “Янги алифбенинг янги ютуқлари ва галдаги вазифаларимиз” (“Аланга” журнали) деб номланади. Журналда олимнинг расми ҳам берилган. Мақолада жорий йил аввалида Тошкентда бўлиб ўтган 2 пленумдан кейинги ҳолатга назар ташланади. Янги алифбенинг жорийланиши юзасидан Иттифоқ миқёсидаги “галдаги вазифаларга” тўхталади, қабул қилинган алифбени такомиллаштириш йўлида қилинган ишларни Туркиядаги ҳолат билан таққослади. Озарбайжондаги бирлашган алифбе масаласига алоҳида тўхталади, мақола охирида навбатдаги вазифалар қаторида бош ҳарфларни қабул қилиш хусусида фикрлар билдиради¹².

“Ўзбек адабий тилининг ўсишида уч асосий йўл” (“Қийматли материал”) (“Қизил Ўзбекистон” газетаси) сарлавҳали мақоласида адабий тил тараққёти учун муҳим бўлган қўйидаги уч факторга алоҳида эътибор беради: “Тилда уч ўсиш йўли бор: 1. жонли шеваларга яқинлашиб, даражапи халқлар би-

¹¹ Бакир Чўбонзода. “Алифбо бирлиги, сингормонизм ва фонетика”// “Қизил Ўзбекистон” газетаси. 1928 йил, 18 январь.

¹² Бакир Чўбонзода. “Янги алифбенинг янги ютуқлари ва галдаги вазифаларимиз” // “Аланга” журнали. 1928 йил, 12-сон. 10-13-бетлар.

лан уларга боғланиш; 2. илмий муассасалар, билим юртлари орқали истаб-истамаган ҳолда бўладиган Оврупа тилларининг таъсири; 3. ўзбек ёзувчиларининг ўз асрлари”¹³.

Табиийки, умуман, ҳар қандай адабий тил учун таъсир қиласидиган, уларни бойитадиган факторларга доир бу муроҳазалар бугун ҳам аҳамиятга эга.

Б.Чўбонзода 1930 йили “Аланга” журналиниң З-сонида босилган “Бирлашган алифбени яхшилаштириш масалалири” номли мақоласида ҳам туркий халқлар тилларидағи товушларга белгилар (ҳарфлар) танлаш, қайси белгиларнинг алмаштирилгани юзасидан жиддий илмий муроҳаза юритади. Янгиланган алифбени яхшилаш учун қўйидаги икки масалани ўртага қўяди: 1)Ҳар хил тиллардаги умумий созвозлар алифбеда ҳам умумий шакл билан кўрсатилсан. 2)Алифбеда фақат “фонемлар”, яъни ҳар бир тилнинг асосий овозларигина кўрсатилсан”¹⁴.

Хуллас, Б.Чўбонзоданинг 1925-1930-йиллар оралиғида Ўзбекистон матбуотида чиқкан мақола ва сұхбатларининг деярлик ҳаммаси тилшунослик муаммоларига; бирлашган алифбе, адабий тил табиати, сингормонизм, фонетика, товушларга мос белгилар, бош ҳарфлар каби мавзуларга (Бокуда нашр қилинган учта мақоласи ўзбек мумтоз адабиёти ва тил тарихига) тегишлидир.

Бакир Чўбонзода илмий-ижодий ҳаётининг иккинчи бир қирраси Ўзбекистоннинг Фарғона шаҳрида ташкил қилинган Педагогика институти билан боғлиқ. Олим ўша даргоҳда 1930-1934 йилларда ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири лавозимида ишлайди. Улкан адабиётшунос олим Воҳид Абдулаев “Чўбонзода менинг ҳам устозим” мақоласида 30-йилларда Самарқанд университетида Бакир Чўбонзодадан бир неча марта маърузалар эшитганини хотирлайди¹⁵. Умуман олганда, у Ўзбекистон учун миллый кадрлар – филологлар, тилшунос ва адабиётшунос

¹³ Бакир Чўбонзода. “Ўзбек адабий тилининг ўсишида уч асосий йўл” // “Қизил Ўзбекистон” газетаси. 1929 йил, 22 май.

¹⁴ Бакир Чўбонзода. “Янги алифбенинг янги ютуқлари ва галдаги вазифаларимиз” // “Аланга” журнали. 1930 йил, З-сон. 3-4-бет.

¹⁵ Воҳид Абдулаев. - Бакир Чўбонзода менинг ҳам устозим - // “Ленин байрагъы” газетаси. 1977 йил 8 сентябрь.

нослар тайёрлаш ишига ўз улушини қўшади; шогирдлар етишиди.

Бу тарихий манба ва маълумотлар, табиийки, қrim татар халқининг улкан алломаси Бакир Чўбонзода илмий-ижодий биографиясининг такомилига, мустабид тузум қатағони довулига учраб, адолатсизлик қурбони бўлган бир инсон ҳаёт китобининг айрим саҳифаларини безашга ёрдам беради.

Иккинчидан, 20-30-йиллар ўзбек ва қrim татар адабий алоқаларини, адабий-назарий жиҳатдан таъсирланув омилларини, тил ва имло юзасидан қилинган ислоҳотларни, ўзаро ҳамкорлик ва маслақдошлиқ масалаларини ўрганишда Бакир Чўбонзода ижодий фаолиятига ҳам таяниш лозимлигини кўрсатади.

Шу билан бирга профессор Бакир Чўбонзода номини бугунги ўзбек зиёлиларига, айниқса, ёшларига “Чўбонзода – шоир”, “Чўбонзода – навоийшунос”, “Чўбонзода – тилшунос”, “Чўбонзода - миллатпарвар зиёли” каби сифатлар билан танитиш зарурати бор. Мазкур китобга жамланган мақолалар, иловадаги адабий-илмий манбалар ҳамда Чўбонзоданинг ўзбек тилига ўгирилиб босилган шеърлари шундай муazzзам эзгулик йўлида хизмат этади, албатта.

*Баҳодир КАРИМОВ
филология фанлари доктори*

МАҚОЛАЛАРИДАН НАМУНАЛАР

ИЛМИЙ ВА МАДАНИЙ МАСАЛАЛАРИМИЗ ТҮГРИСИДА

Менга, Ўзбекистон жумҳуриятининг келгуси кунлари жуда ялтираган ва умидлик кўринадир. Бой бир мамлакат, тебранган ва уринган бир ҳалқ, эскидан донғли бир эл, ниҳоят иш бошига ўтган ёш ва ғайратли насл бу умиднинг сабабларидир. Бунинг билан бирга биз ҳеч вақт эски тарихчилар ва файласуфларга ўхшаш тўсатдан келгуси кунлар, ўткан кунлар ёки ҳалқ тўгрисида фикр бера олмаймиз.

Замонимиз танқид, таҳлил (текширмак ва ечмак) асиридир. Бунинг учун бир қанча масалаларни топиб юзага чиқариш ва уларни бир-бир ечиш лозимдир. Бу масалаларнинг энг муҳим ва зарур бўлгани маданий ва илмий масалалардир. XVII асрдан бошлаб XX асргача, яъни уч аср узун бир замон ичida уйқуга толган биз турклар энди уйғондик. Бироқ на маданий меросимиз ва на соғ-саломат қолган илмий қуролларимиз бор. Бурунги бойлиқ, адабиёт, мадрасалар, иқтисодий жиҳатдан бекаму кўслик ўрнида ёлғиз катта-катта сўроқ ва масалалар турadirki, биз ёшлар тез бир замонда бу сўроқларга жавоб беришга қарздормиз.

1917 нчи йил ўзгаришдан кейин бошлаган илмий ва маданий тебранишларимизнинг бу кунги кўрина бошлаган натижаларини ёза оламиз:

1. Мактабларимиз ва бошка маориф муассасаларимизнинг сони Туркия мактабларига ва маориф ўчоқларининг сонига яқинлашмишdir ва балки ундан ўтмишdir. Чунки бу кун Ўзбекистондан тортиб Крим жумҳуриятигача бутун турк-татар ўлкаларида: мактаби, кутубхонаси ва клуби бўлмаган қишлоқ жуда оздир.

2. Матбуот ва нашриётимиз (босилган ва тарқалган китоб ва журналларимиз) ҳам шу равишда сон жиҳати ва мундарижа эътибори билан Туркияникига яқинлашгандир. Ёлғиз

Туркия матбуоти ва нашриёти тираж (босилган сони) ва санъат тўғрисида ҳозирда бизнидан юқори тура оладир.

Оз замон ичida шундай борлигини ва ўзини кўрсата олган биз шарқликларнинг муштарак-ўртада бир қанча масалаларимиз бордирки, уларни бирма-бир бирлашиб, ўртоқлашиб ҳал қилишимиз керак. Истилоҳ (атама) масаласи, дорилфунун ва илмий ташкилот масаласи, ниҳоят алифбе ва адабий тил каби масалалар, буларнинг ҳар кимга маълум бўлганлари ва ҳар кишига сезилганлариdir. Бироқ булардан бошқа ва буларга боғлиқ бўлган яна бир қанча илмий ва маданий масалаларимиз бордирки, булар тўғрисида сўз қилмасак ҳам, ўзларидан-ўzlари майдонга чиқгусидирлар. Қrim ва Ozарбайжон каби турк-татар жумхуриятларида шу чоққача бўлиб ўтган муаллимлар ва ўлкани танувчилар қурултойи буни ва шундай масалаларни ечиш замони келганини очик қилиб кўрсатади.

Мана шунинг учун Иттифоқ шарқиёт ва Ozарбайжон тадқиқ ва татаббуъ жамиятларининг мурожаати сабабли шўролар иттифоқ совноркўми декабрь ойи ўрталарида Бокуда бутун иттифоқ миқиёсида “Туркологлар” (турк тилларни текширувчилар) қурултойини чақиришга қарор берди.

Бу қурултой “Шарқ миллатлари қурултойи”дан кейин турк-татар маориф ва маданият ходимларининг биринчи тўпланиш кенгashi бўлғусидир. Бу қурултойининг натижасида бир қанча масалаларнинг ҳал қилинишини ва қурултойдан кейин ташкилотга тегишлиқ баъзи муҳим одимлар отилгусидир. Қурултойининг хоҳ Масков бўлсин ва хоҳ Ozарбайжон сай-ҳаракатлари бўлсин, умид қиладирлар. Ҳар ҳолда бу қурултой ўтгандан кейин бизда ҳам академия ҳаёти туғулгусидир. Яқинда икки юз йиллик муваффақият ва умр кўрган “Иттифоқ академияси” бу тўғрисида ҳеч шубҳасиз, ёрдамга келгусидир. Бу равишда неча юз йиллардан бери тўхтаб ётган тадқиқ ва татаббуъ томири бизда ҳам уйғангуси. Биз ҳам бу сояда кишичиллик (инсоният) маданияти олдида ёлғиз қарздор бўлган одам сувратида тура оламиз. Бизнинг фикримизча, бу қурултойда Ўзбекистоннинг шу чоққача ўчмаган юлдузининг, яъни барчамизнинг адабиёт ва шеърда улуғи ва устози бўлган Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи қилиниши керак. Биз соғ туркча ҳалқ тилида ёзишга

уринган ўрта асрлар ичидаги туриб, йигирманчи асрнинг фикрларини ўртага отган ва Бўсна-Харсангдан Қошқаргача ўлмас ном қолдирган бу доҳийни англашимиз керак. Мана шундай ўйлайманки, бу хилдаги юбилейдан кейин:

1. Бутуниттифоқ миқиёсида Навоий ўчоги юзага чиқаришмайдонга келтириш керакки, бу ўчоқ бутун турк-татар шоирларининг ўюшмаси бўлсин ва унинг ўрнини тутсин;

2. Яна иттифоқ миқиёсида бир Навоиёт институти майдонга келтирилсин ва бу тўғрида русларнинг ўзгаришдан кейин шоир Пушкин теварагида яшаган ташкилотларидан ўрнак олинсин. Мана шу бир қанча сатрларни ёзиб, бу масалалар тўғрисида фикрларнинг баён қилишларини таклиф йўлида бутун қийматли ўзбек шоир, адаб, олим ва маорифчиларига мурожаат қиласиз.

*Профессор: Б. Чўбонзода
Тошкент. "Қизил Ўзбекистон"
газетаси, 1925 йил 18 сентябрь*

ТУРКИЁТЧИЛАР ҚУРУЛТОЙИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АКАДЕМИК БАРТОЛЬДНИНГ МАҶОЛАСИ

Шўролар иттифоқи туркиётчиларининг қурултойини чақирмоқ фикри, биринчи топқир Ленинградда түғилди ва қурултойининг чақирилиши учун энг муносаб ер мазкур шаҳар ҳисоб этилар эди. Чунки Ленинград у вақтда умуман шарқиёт ва, айниқса, Русия туркиётининг маркази эди. Ҳозирги пайтда ҳам шундоқ ўрун тутадир.

Моддий кучнинг озлигидан қурултой чақирилолмади. Сўнгра илмий шарқиёт жамияти шўролар иттифоқининг пойтахти бўлмоқ узара Москавда шундоқ бир қурултой чақирмоқ фикрига тушди. Лекин янадан моддий куч бўлмаганлиги учун нотайин бир вақтга довур кечикирилишга мажбур бўлди. Ҳозиги вақтда бу қурултой Бокуда чақирилмоқдадир. Қурултойининг Бокуда чақирилишига бир мунча сабаблар бордир. Илгариги Русияда Боку сингари инқилобдан сўнг илмий ва иқтисодий аҳамияти аввалги вақтдан кўра ортган бир шаҳар

жуда оз эди. Бу ҳодисанинг сабабларини айтиб ўтирмаслик билан бирга, кўпинчи халқи турк бўлган бошқа жумҳуриятларнинг ҳаммасига қараганда, Озарбайжоннинг ва унинг пойтахти бўлган Боку шаҳрининг дорилфунун ҳаётини ва умуман илмий ҳаётни юксакрак бир даражада саклашга муваффақ бўлганини инкор этмак ҳам мумкин эмасдир. Бошқа жиҳатдан жуғрофий мавқеига қараганда Боку – хоҳ Москав ва Ленинграддан ва хоҳ Қрим, Татаристон, Туркманистон ва бошқа жумҳуриятлардан келгувчилар учун ҳам шу даражада қулайдир.

Бир мунча бошқа сабаблар билан бирга, бу сабабларга қараганда ҳам мен орзу этар эдимки, Бокуда туркиёт қурултойини чақиromoқ фикри сўздан амалга оширилсин.

Академик Бартольд.

ПРОФЕССОР ЧЎБОНЗОДА МАҶОЛАСИ

Туркиётчилар қурултойи - ўн биринчи асрдан шарқда, ўн учинчи асрдан ғарбда бошланган турк-мўғул тадқиқоти тарихида биринчи ҳодисадир. Ҳалига довур бўлиб ўтган “Шарқиёт қурултойи” хоҳ мавзу ва хоҳ усул эътибори билан бу йил Бокуда чақирилиши қарор берилган туркиётчилар қурултойи билан таққослана олмайдир. Бу шарқиёт қўнғираларининг ақидаларига, материалларига кўз юргизганимиз замон ҳар нарсадан илгари, ҳар нарсадан ортиқ Оврўпо тарихи, Оврўпо ва Оқ дengiz ҳавzasи билан алоқадор бўлган шарқ мамлакатларига, яъни Миср, Осурбобил, Финикия, Ҳинд маданиятларига ва буларни текширишга аҳамият берилганини қўрамиз.

Бундан бошқа, йигирмадан ортиқ шарқиёт қўнғираларининг ҳеч бири на ташкилот, на усул ва робита нуқтаи назаридан тузук бир натижа бермади. Бутун бу қўнғираларнинг иши бир қанча мужаррад ва юзаки масалаларни текшириш ва уларнинг устида муноқаша қилиш ва энг охирда қўнғира замонида ҳозир бўлган бир мунча илмий асарларни нашр этишдан нарига ўтмади.

Бошқа томондан философ (Лайбних)нинг баракали қўли билан бошланган илмий туркиётни текшириш – 20нчи асрда ортиқ бутун маъноси билан кенг бир соҳа, чуқур бир ар-

мон ҳолига келди. Бу кун қўзимизнинг олдида Арабистон ва Эрониятнинг бир талай соҳаларида тақоррга тушган шарқиётчилар тўп-тўп туркиёт майдонига ўтмақдадир. Чунки турк-татар, фин-мўғул халқларининг тили, тарихи, маданияти тўғрисида бу кун қўлимида бўлган материал дақиқа сари бизни янги натижаларга, қонунларга келтиргани сингари, бу материалнинг ўзи ҳам тўхтамасдан ортмоқдадир.

Умуман, айта оламизким, туркиёт текшириш ишларининг бу кун ихота этган соҳаси йигирма-ўттиз йилдан кейин икки, уч қатла ортқусидир. Буни тушунмаган ҳеч бир туркиётчи йўқдир.

Бутун мана шу ташқи сабаблардан бошқа, ҳаммасидан ҳам қийматли, ҳаммасидан ҳам муҳим бир омил ҳам бордирким, туркиётнинг қийматини, маъносини яна бир қатла ортдирмоқдадир; бу ҳам бўлса - турк-татар халқлари орасида 18-19нчи асрдан, айниқса, октябрь инқилобидан бошлаб замонамизда ортиқ қатъий бир шакл олган, кенг ва асосли бир оқим ҳолига келган ислоҳат, инқилоб ва маданият уйғанишидир. Эски ислом шарқидаги араб, форс, турк халқларидан сўнгисининг бошқаларга қараганда ортиқроқ ҳаракат ва такомил аломатлари кўрсатганини шарқ ва фарб олимлари, ижтимоиятчилари бир оғиздан тасдиқ этмақдадирлар.

Мана бу баракали ва кўрилмаган алмашиниш ва илгарлашнинг натижаси бўлароқ туркиётни текшириш, ташкил ва нашр этиш ишларининг турк-татар қатламлари ичидан чиққан олимлар ва маорифчиларнинг қўлига ўта бошлагани ортиқ ҳар бир кишига маълумдир.

Мана бу шартлар ичida тўплангуси туркиётчилар қурултойи; ҳозирға довур бўлиб ўтишан шарқиётчилар ва бошқа бу хилда қўнғиралардан, бошлаб мана шу нуқталарда айриладир:

1. Туркиёт қурултойи; у рўзномасига ёлғиз Туркистонга тегишли масалаларни қўймоқ билан шарқиётчиларнинг бу майдон билан яна ортиқроқ машғул бўлишини ва ҳозирга довур қилинган текширишларнинг яна ҳам чобуклик (тезлик – Б.К.) билан илгарилашини таъмин этгусидир.

2. Биринчи топқир турк олим, ўқитувчи ва маорифчилари Оврўпода ўрус олимлари билан бирга амалий ва назарий масалаларни музокара ва тортишушларида иштирок этгусидир. Яъни ҳозирга қадар ёлғиз газетачилик савиясида қолган турк-татар мунаvvар табақаси бундан кейин амалий ва

тадқиқий майдонга ўтган бўлгусидир. Ҳар ҳолда бу туркиётчилар қурултойи бизнинг илмий ҳаётимиз учун тарих бошланғичидир.

3. Қурултойнинг рўзномасида турган бир мунча амалий ва ижтимоий масалалар – алифбо, истилоҳ, адабий тил сингари турли турк-татар халқлари орасида муштарак урфон ҳётининг жигини топиб чиқаргусидирким, инсоният ва маданият фаолиятида қатнашишимиз учун бу хилда бир “умумий минимум” лозимдир.


4. Турк – Академия ҳаёти, тадқиқ ва татаббу институти ва энг охирда Алишер Навоийнинг 500 йиллиги муносабати билан ўртага чиқсан “Навоий ўчоғи”ни ташкил этиш масалалари ҳар ҳолда қандок бўлса-да қурултойнинг қарорини олгуси ва бизнинг кучли сувратда умид этганимизча қурултойдан хайрли ва доимий ташкилот асослари туғилгусидир.

5. Бу қурултой Оврўпо ва шарқ олимларининг биринчи дўстона ва маслакдошлиқ йўли билан бўлган ўтириши ҳисобланадирким, бунинг тарихий, ижтимоий маъноси жуда улуғдир, жуда чукурдир. Бу маъно - аҳамиятларнинг энг очиги шуким, ортиқ туркиёт истисмор ва истимлек (капитал ва эгалик қилиш - Б.К.) қуроли, ғарбнинг шарқнинг қаронғулиғидан истифода этиши, балки бундан кейин инсониятнинг, маданият тарихининг энг қаронғу, шу билан баробар энг қизиқ узвларидан – парчаларидан бирисини текшириш учун, дунёнинг бутун номусли ва жиддий сиймоларининг биргалашиб ишлашларидан, тушунишидан чиқсан натижаларнинг қийматли мажмуаси бўлгусидир.

Туркиётчилар қурултойи байналмилалга қараб отилган бир қадамдирким, унинг босадиган масофаси ҳар ҳолда орқада қолган инсоният билан илгарилаган маданиятнинг энг қийматли ҳиссаси ҳисобига ёзилгуси ва маданият тарихида ўрин олгусидир.

Ўн беш-йигирма йил илгарирак шариат масалаларини текшириш ва мазҳабларни бирлашдириш мундарижаси билан ислом қўнғирави чиқармоқ қаршисида оташли вақтларини йўқотган Фаспринский билан бу кўннинг измий ва урфоний туркиётчилар қурултойи флада турган наслимизни таққослаб кўрсак, оз замон ичida нақадар илгарилаганимиз яна жонли сувратда майдонга чиқадир.

3514



Туркиётчилар қурултойининг рўзномасида турган масалалар тўғрисида баъзи фикрларимизни бошқа мақолаларимизга қолдириб, бу ерда ёлғиз турк-татар жумҳуриятларида, айниқса Озарбайжонда бу масалаларни ҳалидан илмий, ижтиёмий муассаса ва ташкилотларда музокара ва тортиша бошлиш лозимлигини айтиб ўтмакчимиз, чунки бу хилда фикр олишишлар рўзномада турган масалаларнинг олдинлашиши ва қурултойининг керагича диққат ва аҳамият билан таъқиб этилишини қулайлашдирадир.

**Профессор Б.Чўбонзода. “Коммунист”дан.
“Фарғона” газетаси 1925 йил 21 ноябрь.**

ЯНГИ АЛИФБЕ ЙЎЛИДА ИЛМИЙ ВА НАЗАРИЙ ИШЛАР

*Янги турк алифбе қўмитасининг
иккинчи пленумида қўмитанинг илмий котиби
профессор Чўбонзоданинг доклади*

Илмий шўро қандай тузилди?

Бутуниттифоқ потинлаштириш қўмитаси 2нчи пленумининг 9нчи январдаги ўлтириши профессор Чўбонзода нутқи билан очилди. Профессор Чўбонзода илмий шўро исмидан кўшма маъруза қилди.

Профессор марказқўм ташкилот иши тўғрисида кеча бўлган музокараларга тегиб ўтиб, айтди:

- Музокаралар, мухториятли жумҳуриятларнинг бултур июнь ойида ташкил қилинган илмий шўро ишига қизиқанини исбот қилди.

Марказқўм ёнида илмий шўронинг бу вақтгача тузилмай туриши марказқўм қўлида етарлик моддий куч йўқлигидан эди. Биринчи имкон бўлган ҳамона илмий шўро тузилди ва аввал бошлаб, янги турк алифбесининг назарий томонини ўрганиш вазифаси юклатилди.

Илмий шўронинг дастлабки иши жуда секин ривожланди. Илмий шўро неча мартабалаб, маҳаллий жумхурият ва вилоятлардан, илмий шўрога ўз вакилларини юборишини сўради. Лекин улардан бу тўғрида ҳеч қандай амалий таклифлар бўлмади. Шундай қилиб, маҳаллалардан вакиллар келмагани ва марказқўмнинг доимий истиқомат ўрни бўлмагани орқасида, илмий шўронинг натижалик иши анча тўхталиб қолди. Шундай бўлса ҳам, иш бошланди ва дастлабки ишнинг оғирпиги бокулилар елкасига тушди.

Илмий шўро уч камиссиядан иборат бўлиб, буларнинг бири илмий, иккинчиси илмий ва амалий, учинчиси ташвиқот камиссиялари эди. Булар тузилган ҳамона бирданига ташкилот ишга бошладилар. Бу ишларга Боку ва Москвава Илмий ишчилари тортилди. Таассуф бўлсинки, илм академияси, нима сабабдандир, бизга ёрдам қилмади. Академия билан бирга Ленинград илмий ишчилари ҳам ишимиз кўп деб, ёрдам қилмадилар. Москвава ишчиларидан ўз хизматини тақдим қилувчиликлар: профессор Полиеванов, Жирков, Якуллев, Шор, бокулилардан профессор Чубонзода, Оғазода, Рухулло Оҳундов, Кулупли, илмий ишда Шарқ халқларининг сарфи ва миллий маданиятини ўрганиш институтининг (Москов) илмий-тафтишот иши билан Озарбайжон, Ереван ва Гуржистон дорилфунунининг шарқ факульталари билан, Украина илм академияси билан, Шимолий Қафқаз ўлкасини ўрганиш институти билан ва Озарбайжон тадқиқ ва татаббуъ жамияти билан яқин алоқа тузилди.

Мана шу вақтдан бошлаб, илмий шўронинг иши кучайди. Мухториятли жумхуриятлар ўз вакилларини юбордилар. Шундай қилиб, шўро аъзолари ўз вақтида 40 кишига етди.

Бироқ, яна такрор гайтаманки, бутун иш масковлилар ва бокулилар томонидан бажарилиб келди.

Биринчи туркиёт қўрултойи бирлашган алифбени қабул қилгандан сўнг, илмий шўро устига бу алифбени мухториятли жумхуриятларнинг ҳаммасида ўтказиш ва лотин алифбесининг бошқа шаклини қабул қилган мухториятли жумхурият ва вилоятларда (Озарбайжон ва бошқалар) бу алифбени ўтказиш учун муддат белгилаш вазифаси юкланди.

Илмий шўро Шимолий Қафқаз ўлка қўмитаси билан бирликда, тоғ халқларининг бир-бирига яқин гуруҳлари (чечен,

ингуш, юқоридаги ва қуидаги черкаслар) учун, алифбенинг бирлашган лойиҳасини ишлади.

Шундан кейин Дөғистоннинг төг халқлари учун бирлашган алифбе лойиҳасини тузди, Абхазия учун алифбе соддаштирилди.

Алифбени ислоҳ қилиш масалалари ва хат тарихи түғрисида икки китоб (мажмуа) тайёрланиб, босмахонага берилди. Ҳар хил ранглар билан 2 та картограм тузилди. Буларнинг бири “Ер юзидағи алифбелар ва тилларнинг тарқалиши” ва иккинчиси “СССРдаги ўрта шарқ халқлари ўртасида миллний алифбе асосий шаклларининг ҳозирги вақтдаги тарқалиши”.

Бирлаштирилган лотин алифбесининг турк тиллари учун бирлашган илмий транскрипсия ишлаб чиқариш комиссияси тузилди.

Янги фронтда ғалаба катта

Демак, биз таъкид қила оламизки, алифбе фронтида ахвол яхши ва кечаги музокараларда айтилған камчиликлар майда масалалар қаторига кириб қолған. Бошқирдистонда, қара-ма-қаршиликлар күп бўлса-да, лотин алифбесини бирлашган шаклда ўтказа бошлади. Агар январь ойида Астраханда қурутой чақиравчи Қолмиқистон учун ёрдам керак бўлар экан, бизнинг Астрахан ячейкамиз, албатта, уларга ёрдам бергусидир.

Мана соғ илмий йил бўйинча илмий шўро томонидан ишланган, ишланнаётган ва ишлангувси нарсалар шулардир.

Илмий ва метод йўли бўйинча бизнинг олдимиизда катта вазифалар туради. Турк алифбесини бирлаштириб битиргандан сўнг, бутун диққат ва кучимизни, турк ёзувлари учун мувофиқ имло тузишга сарф қилишимиз лозим бўлади.

Турк тиллари учун мувофиқ имло

Илмий шўро бу ғояларни амалга ошира бошлади. Уларни жойлардаги ишчилар ўртасида тарқатиш учун маҳаллалардаги муаллимларни кенг равишда жалб қилиш, бир қа-

тор маҳаллий имло канференсиялари ўтказилмакчи, бундай канференсиялар Қrimda ва Boшқирди斯顿да ўтказилди, аммо Ozарбайжонда ўтказилиши олдида.

Имло луғатлари ва грамматика (саф-нахв) намуналари ишланмақда, янги түрк алифбеси билан Ozарбайжон тилида луғати ва грамматикаси ҳозир ишланиб битди. Шунингдек, түрк тилларининг ғарб-жанубий гурӯҳи учун имло ва атамалар масалаларидан мажмуалар плани ишланиб битди, шимолий Қафқазнинг тоғларда яшагувчи халқлари учун имлони бирлашдириш лойиҳалари ишланиб битди. Шуларни да аниқлаб кетиш керакким, жанубдаги черкаслар учун черкас маориф бўлими томонидан лойиҳа қабул этилди.

Илмий шўро тил ва ёзув қўлланмалари нашр этиши ва уларнинг ўзаро муносабатларини белгилаши лозим.

Жойларда раҳбарлик қилиш учун, илмий шўро томонидан Масковда потинлаштириш раҳбарларининг бир ойлик такоријий курслари тузилган эди ва икки марказий б ойлик раҳбарлар курси тўғрисида қоида ишланган эди.

Илмий шўрода иш тақсимоти

Бошланган ишнинг тажрибасини назарга олиб, илмий шўро ўзининг келгуси ишини ушбу равишда тақсим қилмоқчи: лотин алифбесини бирлашдириш ва бундан кейин ҳам тарқатиш жиҳатидан, ҳали ҳозирча логик тилининг бошқа шакллари билан фойдаланиб турган жумхуриятларда бирлашдирилган алифбени тезлик билан амалга өширишга ёрдам кўрсатиш; қисман ёқутлар алифбесини бирлашдириш масаласини ишлаб чиқиш; ундан кейин бирлашдирилган алифбени уйғур тилида қўлланиш; Доғистон, Зақафқоз ва шимолий Қафқознинг тоғларда яшагувчи халқларининг лотин алифбеларини бирлашдириш масалаларини ишлаб чиқиш, бу мақсад учун Қафқоз курултойини чақириш; ундан тобе халқи алифбеларини бирлашдириш масаласи кўйилиши лозим. Дунгандар, қолмиқлар ва бошқа ғайритурк халқлари ўртасида потинлаштириш ҳаракатини ривожлантиришга тиришиш; бош ҳарфларни истеъмол қилиш масаласини ишлаб чиқиш ва бошқирд тилидаги маҳсус товушлар учун ҳаракатларнинг маъум шакли масаласини ҳал қилиш.

Имло тўғрисидаги вазифалар

Имло масаласига келганда илмий шўронинг турк ва қафқоз тоғ халқи тилларининг умумий асосларини, мукаммал имлосини, шу жумладан туб сўзларни бир хилда ёзиш масалаларини ишлаб тайёрлаш лозим.

Илмий шўронинг янги алифбеда айрим тиллар учун бир қанча имло сўзлиги (сўзларнинг бир қанча имлосини кўрсатувчи луғат) ва сарф-наҳвларини ишлаб нашр қилишга тайёрлаши керак. Тегишли миллатларнинг ўқитувчилари учун маҳаллаларда бир қанча имло канференсияларини ўтказиш ҳамда бутун иттифоқ имло канференсиясига ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш лозим. Адабий тиллар имлосининг умумий асос ва усууларини тайёрлаш, маҳаллий раҳбарлар курслари учун ўrnak программалари ҳозирлаш, бостириш учун тайёрланган дарслик ва қўлланмаларни тартибли равища қараб чиқиши ташкил қилиш, тиллар, янги алифбе, имло, истилоҳ ва янги турк алифбесининг тарихини ўрганиш масалаларига бағишланган вақтли нашри афкорга эга бўлиш, СССР ва чет элларда лотинлаштириш ҳаракатининг шаклларини ва тарихини ўрганиш лозим.

Илмий шўрони мустаҳкамлаш лозим

Илмий шўронинг бу вазифаларни амалга ошириш учун доимий ташкилот сифатида илмий шўрони расмийлаштириш ва мустаҳкамлаш лозим, унга зарур миқдорда пул белгилаш, доимий иштатга эга қилиш унга лотинлаштириш йўлида ишлагувчи илмий ишчиларни бериш ва бириктириш керак.

*“Қизил Ўзбекистон” газетаси,
1928 йил 11 январь №9 (911).*

АЛИФБЕ БИРЛИГИ, СИНГОРМОНИЗМ ВА ФОНЕТИКА МАСАЛАЛАРИ

*Туркиёт профессори
ўртоқ Чўбонзода билан мусоҳаба*

Алифбе асосан бирлаштирилди. Қолгани фақат майдада-чуда нарсалар, айрим турк шеваларининг айрим овозлари учун маҳсус белгиларни аниқлашдан иборат. 1 нчи пленумнинг ғояси (яъни умумий овозлар учун умумий белгилар) тугал юзага чиқарилди.

Алифбени бирлаштиришда бир қийинлик, бирлашган алифбени турк бўлмаган халқларнинг ёзувига татбиқ қилишдирки, булар ҳам лотин ҳарфини олишга тайёрланмоқдалар.

2 нчи пленумга келган қолмиқ, абхаз ва дунган вакиллари бирлашган турк алифбесини асос қилиб олмоқчи бўлганликларини маълум қилдилар.

Ҳар ҳолда 3 нчи пленумгача турк-татар халқларининг алифбесини бирлаштириш олдида турган кичкина қийинликларни битишига, турк халқларининг алифбесининг қатъий бирлашишига умидимиз катта.

Сингормонизм 11 нчи асртага турк халқларининг умумий хусусияти эди. Бу халқлар жанубга ва ғарбга тарқалиб кетгандан сўнг, турк-татарларнинг кўпининг тили, сомий ва орий халқларнинг тили билан араплашди. Бунинг натижасида бу тилларга чет унсурлар кўп миқдорда кириб, сингормонизм қонуни бузилди.

Сингормонизмнинг қўлланиши фақат, шаҳарлари суст ривожланган ва ислом таъсирига берилган ёзма адабиёти бўлмаган халқларда бир даража сақланиб қолган. Шундай қилиб, турк халқларининг биринчи гурухи учун алифбеда сингормонизмни қўлланиш мутлоқ мумкин эмас, иккинчи гурухи учун бўлса педагогия ва лисоният нуқтаи назаридан мувофиқ эмас, ҳам зарарлик. Чунки бунинг натижасида белгилар камайиб, мазкур шевалардаги типовой овозлар йўқолади. Бу овозларнинг белгисини алифбеда тополмаган ўқувчи ёки ўқитувчи, мазкур сўзни ўқиган билан яхши тушунолмайди. Шу сабабадан қозоқларнинг алифбега сингормонизмни қабул қилмаймиз, дейишими табрик қилиш керак.

Янги турк алифбесининг асосий бойлиги фонетика (савтият)дир. Шу сабабдан сингормонизмни қўлланиш фонетикадан воз кечиш бўлади.

Хозиргача араб алифбеси турк тилларининг имлосида қаттиқ ўрин ололган эмас. Турк тилларининг асосий хусусиятини кўрсатадиган ҳақиқий имло фақат янги алифбедагина бўлиши мумкин. Илмий шўро ҳозиргача уч канференсия ўтказди ва эндики канференсияларни қолган жумҳуриятларда ўтказади.

*“Қизил Ўзбекистон” газетаси,
1928 йил 18 январь №15 (917).*

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ЎСИШИДА УЧ АСОСИЙ ЙЎЛ

Тил-имло канференсиясида адабий тил тўғрисида музокараларнинг охирги қисми яна жиддийроқ ва яна қизгин бўлди. Чунки охирги музокараларда қимматли меҳмонларимиздан академик Самойлович ва профессор Ишчерба, Чўбонзода ва Абдураҳмон Саъдий ҳам бошқа кучлар ўз фикрларини билдирилар.

Қийматли материал

Олқишлиов билан қарши олинган профессор Чўбонзода адабий тил тўғрисида канференсиянинг катта материаллар берганини сўзлади:

- Ўзбек адабий тили бор. Лекин ишланмаган. Заиф, иккинчидан, адабий тилнинг яхши тушунилмаслиги саводхонлиқка, илмий савияяга ҳам боғлиқ. Тилни тузища шундай йўл тутиш керакки, у тилнинг ўзгариши умумий мақсадни кетишидан орқада қолмасин.

Профессор Чўбонзода чигатой тилининг баъзан девон (канселар) тили ролини ўйнаганини, Оврупо уйғаниш давридаги адабий тил маъносида бўлмаганини айтиб, ўзбек адабиётининг умумий маҳсулотини олганда, уни татар ёки озар-

байжон тили деб бўлмаслигини, фақат улардан таъсир олганини, бора-бора рус ва Оврупо тилларининг аломатлари, ҳатто иструктурасини пайдо бўлишини сўзлаб “Булар яхши, мусбат таъсирлар; буларни олиш керак. Тилда ажнабий тилнинг кўриниши – унинг илгари кетиши демакдир”, деди.

- Ўзбекистоннинг катта ҳосили бўлган пахта бизнинг шеърларимиздан кўра байналмилалроқдир. Албатта адабиёти-миз ҳам шу йўлдан бормоғи лозим. Араб ва форс сўзларига қарши – уларга душманлиқдан эмас, балки тилдаги исхоластикага ва унинг орқали таъсир бергувчи эски зеҳниятга қаршилиқдир. Шунинг учун улардан ўзлашиб қолганлари бизда қола беради.

- Тилда уч ўсиш йўли бср:

1) жонли шеваларга яқинлашиб, даражали халқлар билан уларга боғланиш; 2) илмий муассасалар, билим юртлари орқали истаб-исталмаган ҳолда бўладиган Оврупо тилларининг таъсири; 3) ўзбек ёзувчиларининг ўз асарлари, булар букун содда – басит ёzsалар, эртага маданий эҳтиёж талаби билан яна чуқурроқ ва мураккаблашган ҳолда ёзарлар.

Професор Чўбонзода сўзининг охирида бу кунги канференсиядан кейин сингорманияни сақламаслик мумкин эмаслигини, 9 чўзғини камайтириш билан лотин алифбесининг фойдаларидан маҳрум бўлишимизни таъкидлади.

- Адабий тил тўғрисида асосан тўғридан-тўғри қарор чиқармоқ вақти келди. Маҳкам ва соғлом бир комиссия тузилиб, ул тил тўғрисида Ўзбекистонни энига-бўйига текширсин. Ўзбекистоннинг маданий қурулишига тил-имло муҳим бир аъзо бўлиб кирсин.

*“Қизил Ўзбекистон” газетаси,
1929 йил 22 май 3-бет №116 (1314).*

ЯНГИ АЛИФБЕНИНГ ЯНГИ ЮТУҚЛАРИ ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАРИМИЗ

Професор Чўбонзода мақоласи

Янги алифбе бутун иттифоқ марказий қўмитасининг 1928 нчи йил бошларида Тошкентда бўлиб ўтган 2 нчи пленумидан кейин, янги турк алифбеси борган сари янги ютуқларга эга бўлмоқдадир.

Янги алифбе тадрижий равишда ва ҳеч тўхтамасдан, ўзиға янги мавқелар ишғол қилиб, ҳозирги пайтда турк-татар олами чегараларидан ўтиб, туркга мансуб бўлмаган бошқа халқларни ҳам ўз теварагига жалб қилмоқдадир.

Янги алифбе марказқўмнинг Тошкент пленумидан кейин бу ҳаракатнинг жуда катта суратда тарқалиши ва бутун олам томонидан танилиши муносабати билан бизнинг олдимизга бир қатор жуда муҳим вазифалар келиб босади. Биз мана шу мақоламизда мазкур вазифалар устига тўхталиб ўтмак-чимиз. Дастлаб янги алифбенинг қозонган кейинги ютуқлари тўгрисида бир неча сўз айтиб ўтамиз:

1. Тошкент пленумидан кейин бирлаштирилган алифбе дунган, абхазия, тожик, бухоро яхудийлари, лазгин, қумук, дарген, авар ва курд халқлари томонидан қабул қилинди. Мана шу юқорида санаб ўтилган халқлар учун алифбени бирлаштириш асосида ва уларнинг тилларидағи табиий хусусиятларнинг талабига мувофиқ бирлаштирилган алифбega ошиқча баъзи бир аломатларни қўшиб янги алифбе тузилди. 1 нчи пленумгача лотин асосидаги янги алифбени қабул қилган шимолий Қафқоз халқлари, чунончи асатенлар, чечен, ингушлар, черкаслар ва бошқалар алифбеларини бирлаштириш мақсади билан Ростов шаҳрида чақирилган шимолий Қафқоз конференсиясига йиғилдилар.

Мана шундай қилиб лотин асосига қурулган ва бирлаштирилган алифбеда ҳозиргача – хитой, якут, турк-татар ва арйани халқларига мансуб халқларининг тилларини ўз ичига олди. Умуман олиб айтканимизда, янги алифбе иттифоқимизда яшамоқда бўлган ва сони 30 миллион нафардан зиёд бўлган турли миллатлар томонидан танилди ва қабул қилинди.

2. Иттифоқ чегараларининг ташқарисида янги алифбе

Шўролар Иттифоқи доирасидаги ҳалқлар томонидан янги алифбенинг танилиши ва қабул қилиниши бошқа шарқ мамлакатларида ҳам янги алифбенинг тарқалиши ишига имкон очишда катта рол ўйнади.

Иккинчи пленумдан кейин Туркия, Эрон, Миср ва бошқа мамлакатларнинг газеталари саҳифаларида алифбе масаласи устида бир тўхтамасдан мақолалар ёзилиб, янги алифбени қабул қилиш тўғрисида кенг ташвиқот юритилмоқдадир.

Мана шундай қилиб, шўролар иттифоқи тупроғида вужудга келган ва мустаҳкамланган алифбе унинг чегараларидан ташқарига ўтиб кўпгина шарқ мамлакатларида кенг равишда муҳокама қилина бошланган бир масала ҳолига келтирилди.

Юқорида сўзланиб ўтганлар билан бирга боғлаб, ул яъни янги алифбе техника ва маданият бобида ғарб томонида қозонилган ютуқларини енгиллик билан ўзлаштириш жиҳатидан юқори даражада маданий аҳамиятга эга бўлиш билан бир қаторда, борган сари унинг катта сиёсий омил ролини ўйнай бошлаганини ҳам эсда тутиш керак. Ўртоқ Ленин бундан бир неча йиллар илгари, янги алифбега “шарқда улуғ инқилоб” деган номни бериб ўтди.

Янги алифбега кўчиш бобида бизнинг қозонган муваффақият ва ютуқларимиз – Туркияда ҳам бу ҳаракатнинг бошланишига ва янги алифбенинг қабул қилинишига йўл очди. Туркияда ҳозир янги алифбега кўчиш ва уни чукур равишда турмушга оширув ишлари жуда қизғин ва кенг кўламда кетаётиди, 1928 нчи йилнинг декабридан бошлаб Туркиянинг ҳамма муассасалари, ташкилотлари ва матбуоти янги алифбега кўчадилар.

Анатоли турклари, янги алифбени амалий равишда юзага чиқариш билан бир қаторда, янги алифбе билан ёзилган дарслерликлар, сарфлар, луғатлар ва бошқа қўлланмалар тайёрлаш ишига ҳам чинакам кирищдилар. Бироқ бу ерда Туркия томонидан қабул қилинган янги алифбенинг бир қатор камчиликлари бўлганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Анатоли турклари эскидан қолган анъанага мувофиқ бу масалада ҳам франсуузлар таъсирига берилишдан қутула олмадилар. Улар

томонидан қабул қилинган алифбеда биз – ўз тилларимизга қарама-қарши бўлган ва графика талабларига жавоб бермаган ҳамда таълим нуқтаи назаридан қараганда танқидни кўттармай турган баъзи ҳарф ва чизиқларни кўрамиз.

Икки-уч ойдан иборат бўлган шу озгина бир даврнинг ичida улар қабул қилган алифбеларида ё у - ё бу ҳарфнинг равишини бир неча топқир ўзгартдилар.

Бироқ шунга қарамасдан улар қатъий равишда қабул қилинди, деб ҳисобланган кейинги алифбеси ҳам ҳали анчагина тузатиш ва яхшиланиш талаб қиласди, мана шунинг учун уларнинг ул кейинги алифбеси ҳам бир қадар ўзгаришларга йўлиқмас, деб айтиш қийиндир.

Ҳар ҳолда Анатоли турклари томонидан лотинлаштирилган янги алифбенинг қабул этилиши биз томондан маданий инқилобнинг шарқда муваффақият билан илгарига қараб ҳаракат этишини кескин равишда исбот қила олади.

Янги алифбе Туркия орқали шарқ тиллари, Эрон, Афғонистон, Миср ва Ҳиндистонга бориб этишда ва тарқалишда бизнинг ҳеч қандай шубҳамиз йўқ.

3. Озарбайжон масаласи

Маълумдирким, бирлаштирилган турк-татар алифбеси Озарбайжон алифбеси усулида ва асосида тузилди. Ҳаттоқим биринчи пленумдаёқ, Озарбайжон алифбесида қуйидаги ўзгаришларини киргизиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди:

Озарбайжон алифбеси	бирлаштирилган алифбе
ң	ъ
ڙ - ڙ	ڦ - ڦ
ڦ - ڦ	ڦ - ڦ
ڻ - ڻ	ڻ - ڻ
ڻ - ڻ	ڻ - ڻ
ي	и

Мана шу овозлардан иккитаси бус-бутун ўз тасвиirlарини (шаклларини) ўзгартганлари ҳолда қолган тўртта жуфт овознинг шакли ўрнига ва маънисига қарабигина ўзгарадилар.

Биринчи ва иккинчи пленумнинг ҳар иккаласини Озарбайжон жумхуриятининг вакиллари бирлаштирилган алифбега тадрижан кўчиш тўғрисида ваъдалар берган бўлсалар-да, афсуским, баъзи сабабларга биноан озарбайжонлилар ҳануз китобларини ўzlари томонидан ишланган лотин алифбесида бостиришда давом қилмоқдадирлар.

Озарбайжоннинг бирлаштирилган алифбега кўчмаслигига энг муҳим сабаблардан бириси – унда (Озарбайжонда) янги алифбенинг 1922 нчи йилдан бошлаб амалга сширилиши ва 2 ярим миллиондан зиёдроқ нусха китобининг мазкур алифбе билан бостирилишидир. Шунинг билан бирга бутун Зақафқозия, Озарбайжон алифбесида саводи чиққанларнинг ҳам сони 300 000 дан ошиб кетганини бу ерда айтиб ўтишга тўғри келади.

Мана шу асосий сабабларга биноан Озарбайжон шудамгача бирлаштирилган алифбега кўчмасдан келди. Яна бир масала бўлса, у ҳам Озарбайжон ИСЖ ҳукуматининг ҳамма давлат ва жамoa ташкилотларни қатъий равишда янги алифбега кўчиришидир. Бу ахвол эса Озарбайжоннинг бирлаштирилган алифбега кўчиш ёхуд кўчмаслик аҳамиятини тағинда чуқурлаштира беради.

Шундоқ бўлса ҳам, бирлаштирилган алифбега кўчиш йўлида Озарбайжон томонидан биринчи қадамлар энди қабул қилина бошлаганлигини бу ерда айтиб ўтиш керак.

Юқорида кўрсатиб ўтган («, Ҷ) икки ҳарф масаласида, Озарбайжон камитети ва маориф халқ комиссарлиги, бирлаштирилган алифбега қўшилганлигини маълум қилди ва улар ўрнига расмий равишда бирлаштирилган алифбенинг тегишли ҳарфлари (ş, ь) қабул этди. Қолган саккизта ҳарф масаласи ҳозирча очиқ равишда қолдирилди.

Озарбайжоннинг бирлаштирилган алифбега қатъий равишда кўчиши яқинда ҳал қилингуси бир масала бўлишига чинакам ишонамиз. Бу йўлда қўрилган қийинчиликларга қарамасдан, Озарбайжон масаласини ижобий равишда ҳал этиб, турк-татар халқларининг умумий алифбе иттифоқига кирадеган тилакни билдириб қоламиз.

4. Учинчи пленум олдида турган вазифалар

Учинчи пленум, бошқа ҳар ишдан илгари, иккинчи пленумдан кейин янги алифбега кўчган халқларнинг алифбеларини текшириб ва муҳокама қилиб ўтиши керак. Мазкур алифбелар, пленумнинг катта нуфузга молик бўлган муҳокамаси орқали ўтиб, давлат аҳамиятига эга бўлиши билан бирга, уларни турмушга амалий равишда оширишда расмий шакл олгусидирлар.

Яна бундан бошқа, алифбеларни бирлаштириш бобида, қозоқ ва қирғиз алифбелари масаласи ҳам бизнинг олдимизда туради.

Маълумдирким, Ўрта Осиёда яшагучи турк-татар халқлари, турк тилларига маҳсус бўлган чўзғиларнинг гармония принципи асосида алифбега “юмшатиш аломати” унсурларини киргизиб ва бирлаштирилган алифбедан бир қадар фарқи бор алифбе туздилар. Бундан бошқа яна қозоқлар “қисман фонетика” принципига суюниб, баъзи ҳарфларнинг шаклларини ҳам асосан ўзгартдилар.

2 нчи пленум вақтида ўзбеклар ва туркманлар, масалани ҳал қилишда кўп сабабларга биноан ва тўғри саналган бундай йўлдан воз кечдилар. Шунинг билан бирга бизга келган қирғиз адабиётига қараб, қирғизларнинг ҳам бус-бутун бирлаштирилган алифбега энди кўчаётгандигини кўриш мумкин.

Демак, пленум олдида қозоқларнинг ҳам билаштирилган алифбега кўчиш масаласини кўриш вазифаси туради. Озарбайжонлар ва қозоқларнинг бирлаштирилган алифбега кўчишлари масаласини ҳал қилиш билан турк-татар халқининг алифбеларини бирлаштириш иши тугатилади, деб ҳисобласак мумкин.

Аҳамияти жиҳатидан биринчисидан қолишмайтурган 3 нчи пленум олдида турган яна муҳим бир масала бош ҳарфлар масасидир.

Бу масалада уч турли оқим бор:

- 1) Бош ҳарфлардан бутунлайга воз кечиш.
- 2) Сатрларнинг микдорини кенгайтириш йўли билан бош ҳарфлар тузиш ва
- 3) бош ҳарфларни бунгача давом қилиб келган шаклларда сақлаб қолиш ва шуни қабул этиш.

Янги алифбе бутун иттифоқ маркази камитети қошидаги илмий шўро бу масалани атрофли равишда текширди ва ўрганди.

Бу масалани техника, тилнинг бу хусусдаги талаблари педагогия нуқтаи назарларидан ва умуман кўпгина фаний мұқаддималарига суюниб – биз ҳозирги кунда давом қилмоқда бўлган бош ҳарфларни сақлаб қолишни қулай ва мақсадга мувофиқ деб топдик.

Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтсак керак: Туркияда ўшандоқ бош ҳарфлар масаласи анча вақтлардан буёқ муҳокама қилиниб келмақдадир. Анатоли турклари алифбесининг ҳам биринчи лойиҳасида бош ҳарфлар йўқ эди, лекин сўнгги лойиҳаларида улар ҳам қайтадан бош ҳарфларни киргизатурган бўлдилар.

Учинчи пленумда бу масаланинг ҳам қатъий равишда бир ёқли бўлишида биз шубҳаланмаймиз.

З нчи пленумда ҳал қилиши зарур бўлган яна бир муҳим масала – янги алифбеда имло тузиш масаласидир.

Янги алифбени қабул қилган – татар ва бошқа ҳалқлар орасида тўғри имло масаласи энг аҳамиятли ва энг чуқур масалалардан бўлиб, ҳозирги пайтда ҳар ҳалқ энг муҳим тил муаммоси саналган бу масалани ўзича ҳал қилиши билан машғулдир.

Ҳали иккинчи пленум чақрилишидан илгарирак Қрим ва Башқирдистонда имло канференсиялари ўtkазилди. 2 нчи пленумдан кейин шундаёқ имло канференсияси Озарбайжонда ҳам чақирилди. Озарбайжон имло канференсияси – имлони тузатиш юзасидан бир қатор масалалар тўғрисида ўзининг тўхтамларини чиқариб, озарбайжон тилининг имлоси тўғрисида анчагина масалаларни ойдинлаштириди.

Имло масаласи алифбе билан маҳкам равишда боғланган бўлиши маълум бир нарсадир. Янги алифбе қабул қилган ҳалқлар янги асосларда имло ҳам қабул қилишга мажбурдирлар. Иккинчи томондан имло масалалари – тил ва айниқса адабий тил билан боғланишли бўлганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Ҳар жумҳуриятда бир нечта лаҳжалар (диалект), устунлик учун бир-бириси билан курашмақдадирлар. Қандай шева ёки лаҗжа асосида адабий тил яратиш масаласи аниқланмаган бир пайтда, тўғри ёзиш ва муттаҳид имло

масаласини тўғри бир томонга жўнатиш анчагина оғир бир ишдир.

Ҳар жумҳуриятда адабий тилни қандай асосда яратиш масаласини қатъий равища ҳал қилиш давригача бундай ғалва ва мунозаралар ҳали давом қилгусидирлар (чунки ҳар лаҳжа – адабий бўлиш ҳуқуқини даъво қилишда давом қилгусидир).

Пленум ва ундан кейин имло бобида ҳар жумҳуриятда давом қилдиргувси ишларнинг асоси Ғарб ва Шарқда қилиб келмакда бўлган асосларни (принципларни) текшириш йўли билан тўғри ёзиш қоидаларини ишлаб чиқиш ҳар жумҳуриятда қандай шева ёки лаҳжа асосида адабий тил яратиш масаласини аниқлашдан иборат бўлиши керак.

З нчи пленумда, 2 нчи бутуниттифоқ туркиёт қурултойини чақиришнинг зарурлиги масаласини ҳам кўтариш ўйланилади. 1 нчи туркиёт қурултойидан кейин шўролар шарқидан янги алифбенинг тарқалиши муносабати билан ҳам фанний, ҳам амалий сифатга эга бўлган бир қатор масалалар майдонга чиқиб қолдиким, улар 2 нчи туркиёт қурултойини чақиришни кескин равища талаб қилмоқдадирлар. З нчи пленум янги алифбенинг йирик маданий–оқартиш аҳамиятига эга бўлиши билан бирга, унинг бутун дунё учун бўлган аҳамиятини ҳам аниқлаб ўткусидир. Чунки ҳозир янги алифбе масаласи – фақатгина бирта халқнинг иши доираларидан энди чиқиб тадрижий равища ҳамма Шарқ халқларининг алифбеси кайфиятини олмоқдадир.

Профессор Чўбонзода
“Аланга” журнали 1928 йил.
12-сон, 10-13-бетлар.

БИРЛАШГАН АЛИФБЕНИ ЯХШИЛАШ МАСАЛАЛАРИ

1927 нчи йили янги турк алифбе бутуниттифоқ марказий қўмитасининг биринчи пленумида турк-татар халқлари учун бирлашган алифбени туздик. Шундан сўнги пленумларда Дөғистон, Шимолий Қафқоз ва бошқа халқларнинг алифбелари

бирлаштирилди. Бу тўғрида олдимиизга қўйилган принципларни “Шарқ маданияти ва ёзувлари” исмли журнализминг учинчи сонида чиқкан биринчи мақоламиизда кўрсатган эдик. Бу мақолада ҳам кўйидаги асосий принципларга тўхталиб ўтамиз.

1) Ҳар хил тиллардаги умумий овозлар алифбеда ҳам умумий шакл билан кўрсатилсан.

2) Алифбеда фақат “фонемлар”, яъни ҳар бир тилнинг асосий овозларигина кўрсатилсан.

Бироқ бирлашган алифбени яхшилаш бобида сўнгги мулоҳазаларимиз ва тилакларимизни асослаш учун бу икки принцип кифоя қилолмайди.

Сўзни бирлашган алифбенинг ўзидан бошлайлик. Бирлашган алифбеда саккиз хил белги (ҳарф) борки, булар биринчи пленумда ўша вақтганча қўлланиб келган, янги озарбайжон-турк алифбеси асос қилиб олинган бўлса-да, Озарбайжон янги алифбесига тегишли белгиларига мувафиқ бўлиб тушмайди. Бу саккиз белгини пленум баъзи бир мулоҳазаларга кўра ўзгартириди. Бу белигилар у-и, с-ç, к-q, g - ғ дир. Шу пленумдаёқ, Озарбайжон жумҳуриятини шу алифбедаги ўзгаришларга кўчиш ёки уларни қабул қилиш зарурлигига ишонтириш учун тегишли қарор чиқариган эди. Учинчи пленумгача, яъни 1928 нчи йилниниг охирига бориб, Озарбайжон жумҳурияти бирлашган алифбенинг икки белгиси “Ь” ва “়” ни эски белгилардан “Ҷ” ва “З” ўрнига қабул қилди. Бироқ юқорида кўрсатилган 8 белги ҳозиргача бирлашмай қолиб, Озарбайжон ва унга қўшни жумҳуриятларнинг ўқувчиларини янгилиштириб келаётир. Бундан ташқари, Доғистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва иттифоқимизнинг бошқа жойларида яшовчи озарбайжон турклари бир томондан – бирлашган асосга қурилган ерлари алифбелардан фойдаландилар; иккинчи томондан – она тилидаги адабиётдан фойдаланган чоқда, Озарбайжоннинг бирлашмаган алифбесига дуч кела дилар. Учинчидан, янги турк алифбе марказқўмининг учинчи пленумидан сўнг Сибир-Олтой халқлари янги алифбега ўтмакчи бўлиб, ўз лойиҳаларини тақдим қилдилар. Бу лойиҳаларда умумий бирлашган алифбедан баъзи бир чекинишлар бор эди. Буларнинг энг каттаси – икки қаватли k-q ва g - ғ ҳарфлари ўрнига k-g ҳарфларининг олинишидир. Бу нарса кўпроқ турк-татар халқлари учун хос бўлган бирлашган алиф-

бенинг тузилишига оидdir. Энди янги алифбе ҳаракатига кўшилган ва уни қабул қилган бошқа халқларнинг алифбелари га келсақ, бу ердаги белгиларнинг сон жиҳатидан ажралиши, турк-татар белгиларидан кўпроқ. Бу ажралишлар шунчалик кўпки, булар айрим дикқатни талаб қилиши билан бирга, шу мақсад учун тузилувчи ва чақирилувчи айрим камиссия ва қурултойларнинг қарамогидан ўтиб ҳал қилинишга мухтоҷидлар.

Биз бу мақолада шу масала бўйинча Догистон, Шимолий, Қафқоз ва Эрон тилларининг алифбеларини ҳозирча четга қўйиб турамиз. Агар турк-татар халқларнинг алифбеларини бирлаштириш бобида юқорида айтилган камчиликларни тўплаб қарасак, айни замонда бирлашган алифбеда асосан уч тип ҳосил бўлади.

Биринчи тип – янги алифбени биринчи пленумдан сўнг қабул қилинган тилларга оидdir. Иккинчи тип - Озарбайжон алифбеси бўлиб, бунда юқорида айтилганча саккиз белги биринчи тип алифбеларининг белгиларига тўғри келмайди. Учинчи тип – Сибир халқларнинг алифбеларидан ҳосил бўлди. Бунда қисқартириш асосини тутиб, баъзи белгилар икки ҳарф ўрнида ишлатилганидан, белгиларнинг умумий сони камайди.

Бу мақолада, бирлашган алифбенинг баъзи текисиз ўринларини силлиқлашга конкрет йўлларини кўрсатишимииз лозим. Бу текисизликлар кўзга кўриниб турганидан муаллимлар ва умуман ўқувчилар оммаси томонидан танқид қилинаётирлар. Бу ерда Озарбайжоннинг бирлашган алифбега ўтиш зарурлигига тўхталиб ўлтирумаймиз. Бу масаланинг аҳамияти ва Озарбайжоннинг узил-кесил ўтишини тўхтатиб турган пайтлар алифбе масаласининг доирасига сиғмайди. Бунга бош сабаб бўлган нарса – шу алифбеда бир неча миллион китоб босилгани ва 500 минг кишининг завод чиқарганидир. Иккинчи томондан олганда РСФСР маориф комиссарлиги томонидан матбуотда кўтарган проблема – рус ёзуви ни лотинлаштириш муаммоси, умумий иттифоқ лотин алифбесини туддириш учун кенг имконият ва истиқболларни очади. Бу вақтда ҳар хил алифбеларни иттифоқимиз учун умумий бўлган лотин алифбеси билан мувофиқлашга тўғри келади. Аммо – бизнинг Озарбайжон алифбесида бўлганидай

бирлашган алифбеда ҳам бир неча ислоҳотларни бирин-ке-тин бежирим ўтказиб, шу билан уни мазкур алифбелар билан фойдаланувчи тилларнинг асоси тузилишига яқинла-тиш мумкин бўлар эди. Масалан, Озарбайжон алифбесида “е” фонемнинг икки белги билан кўрсатилиши янги алифбе-нинг қурилиш асосий системасини тутмаганлиқдир. Чунки юқорида айтганимизча фақат графемаларни, яъни тилнинг асосий овозларинигина белгилашни мақсад қилиб олганмиз. Албатта, Озарбайжон – турк тилида икки хил очиқ ва ёпиқ “е” борлигини ҳеч ким рад қилмайди. Аммо, ҳар хил бўғим-лардаги овозларнинг туриши ҳам ҳар хил эканини ҳар бир тилчи билади. Шу сабабли овозлар ўртасидаги бундай фарқ ҳар бир лаҳжа ёки тилда учрайди. Шу сабабли “е” ҳарфини битириб иккала белги ўrniga бир белги қолдирилса, мақсад ҳосил бўлиб озарбайжон тилининг хусусиятига бундан зарар етмайди. Икки қаватли “к – q” ва “g - ғ” белгилари тўғрисида ҳам шуни айтишга тўғри келади. Маълумки, араб алифбеси-ни биринчи бошлаб турк-татар тилларига қолган араб фило-логлари шу тилларнинг сингорманизмини товушсиз ҳарфлар билан, масалан ك - ق، ط - طـ، س - سـ، گ - گـ ҳарфлар билан кўрса-тишга тиришганлар. Лотин алифбесининг лажҳасини тузув-чилар онгли ва онгсиз равишда ўша вақтлардаги араб ҳарф-ларига асосландилар. Натижада арабизмнинг бир неча си-стема хусусиятлар ёки алифбелар системасида ҳам кўринди. Маълумки, бизнинг янги алифбемиз сингормонизмни то-вушли ҳарфлар системасида кўрсатадилар. Бу тўғрида биз овознинг қаттиқ-юмшоқлигини кўрсатиш учун бир неча қўш графемалар борлигини кўрамиз. Бунга қарамай араб ҳарф-лари “ق - كـ، غ - گـ” “k – q, g - ғ” белгилари билан кўчирилди-лар. Бу белгилар билан кўрсатилган қаттиқлик ва юмшоқ-лик ажратиқ, айтайлик “r” ва “l” ҳарфларининг юмшоқ-қат-тиклигидан сира фарқ қилмайди. Масалан, “jal - mal; kır-kar”. Алифбеда товушсиз жуфт ҳарфлар бўлганидан ўқувчи юқо-ридаги сўзларни ҳеч қийналмай ўқий олади. Оврупа тилла-рида, масалан, рус тилида ҳам “K” ва “Г” ҳарфларини юмшоқ ва қалин учратамиз. Такрор айтамизки, бунда ҳар бир тил-нинг муҳим хусусиятларига зарар етмайди. Янги турк алиф-бе марказқўмининг илмий шўроси шу хусусиятларни била ту-риб, атаяй ўйрат, шўр, хахас алифбеларини юқорида бир хил

белгилар билан киргизди. Ҳолбуки, бу тиллардаги сингормонизм хусусиятлари, қолган турк-татар тилларига қараганда кучлирак. Бу ерда қўшиб олиш керакки, «Ҷ» графемининг босмахона ва коллеграфия учун нокулай бўлуви ва айниқса «Ҷ» ҳарфларининг ёзганда «ј» ҳарфи нуқтаси тушиб қолса, «Ҷ»нинг ўзи бўла қўяди. Шунинг устида лотин алифбесида «Ҷ» ҳарфининг кам истеъмол қилинганини олсак, юқоридаги назаримиз оп-очик маълум бўлади. Бундан ташқари, бу икки ҳарфни янги алифбедан чиқариб ташланса, озарбайжон алифбеси бирлашган алифбе ўртасидаги ажралишнинг икки моменти шунинг билан тугайди, тартибга солинишга муҳтоҷ бўлган эндиғи момент ҳар тилнинг ўзига маҳсус белгилар масаласидир. Бундай белгилар Догистон, Шимолий Қафқоз, айниқса, абхаз алифбеларида кўп учрайди. Биринчи пленумда бу испетсифист (ўзига маҳсус) товушларнинг испетсифит белгилар билан кўрсатилишига йўл қўйилган эди. Шу қарорга таяниб, янги алифбеларнинг лойиҳаларини туздилар. Натижада даставвал керакли ва кераксиз белгилар пайдо бўлди. 2-3 йиллик тажриба натижасида, бу белгиларнинг кўпи нозик донишмандликдан келиб чиқкан ва асосий адатларни кўрсатишда ҳеч қандай аҳамияти йўқ экани билинди. Догистон алифбесидаги шундай ҳарфлар секин-секин камайтирилаётир. Янги турк алифбе марказқўмининг 1929 нчи йил июль ойида Махачқала шаҳрида чақирилган президум ўлтириши, Догистон вакилларининг ўз таклифлари билан баъзи белгилари битирилди. Янги турк алифбе марказқўми илмий шўросининг яқинда бўлган ўлтиришида Догистон вакиллари яна шу испетсифист белгиларни камайтириш масаласини янгидан қўзғадилар. Илмий шўро бу илтимосни қондирди. Турк-татар алифбеларида бундай испетсифист белгилари янги бирлашган алифбенинг асосий белгиларидан испетсифист маънода фойдаланиш Туркманистон, Қозогистон ва Бошқирдистон алифбеларида кўринади. Туркманистон алифбесида узун чўзиқли товушларнинг лотин алифбе қўшмоқ ҳарфлар билан кўрсатилиши ҳаддан ошиб кетган. Ҳатто ажнабий сўзлар ҳам бу ҳолдан қутулмайдиларки, буларни туркманлаштириш мақсади билан икки ёки уч қўшмоқ ҳарфлар билан ёзсалар керак. Бунинг учун Келдиев ва Алпаров томонидан тузилган туркман сарфи жуда яхши мисол бўла

олади. Бу дарсликнинг исми «грамматика» деб ёзилган. Туркман тилидаги испетсифит белгилар «ҹ» ва «ڇ» нинг лотин алифбесидаги мӯътадил S ва Z белгилари билан кўрсатилганидан ҳеч бир заар қелмаганини туркман ўртоқларнинг ўzlари тажрибада кўриб ишондилар. Бизнингча, узун чўзиқли товушларни белгилардан воз кечиш ёки ҳеч бўлмaganда, бу тўғрида бир оз тежаб иш қилиш жуда маъқул тушар эди. Туркманистон жумхуриятининг маориф комиссари ўртоқ Барижев бундай дейди: -Туркманистонда секин-секин, узун чўзғили товушларни белгиламаслик мумкин эканига, алифбенинг ҳар сафарги қисқариши маблағ ва кучни жуда зўр тегжайтурганига; мазкур алифбе педагогия ва умум учун анча кўлланнажак эканига ишонч ҳосил қилдилар.

Бирлашган алифбе соҳасида яна бир касал нарса қозоқ алифбесидаги «Ҫ» ҳарфидир. Бу ҳарфни «Ӯ» ҳарфи ўrniga олгандирлар. Бу ҳодиса сингармонизм ва бир дараҷа «фонетик» асосида тузилган қозоқ алифбесидан қолган нарса эканини потинчилар билдилар. Қозоқ тилида «Ҫ» товуши йўқлиғини ҳамма билади. Бироқ қозоқ тилида кўлланатурган ва «Ҫ» ҳарфи учрайтурган атама ва сўзлар, бизнингча тўғри ва ҳеч бир бузмасдан ёзилишлари лозим. Қозоқ ва қирғиз тилларида жуғрофий хариталар ва ўқуш асбоблари, бунда бузиш амалда қанчалик ёмон таъсир қилатурганини кўрсатадилар. Иккинчи босқич мактабни битиргач қозоқ ва қирғиз ўқувчиси ҳатто «Москва, Варшава, Париж» сўзларини ҳам тўғри айттолмайтурган бўлиб қоладилар. Бундай ясама усул орқасида булар ажнабий тилларни, айниқса, рус тилини тез ва тўғри ўрганмайтурган бўладилар. Ҳолбуки, рус тилининг олганда шу халқларга мансуб маорифчи ва мутахассисларнинг биронтаси рус тилининг ёрдамидан бошқа фикр қилолмайдилар ва ишлай олмайдилар. Бундай ҳолни бошқирт алифбесида ҳам кўрамиз. Бунда «ҹ, ڇ» товушлари учун иккита испетсифист белги олингани каби булардан туркманлар осонгина воз кечдилар. Ҳозиргacha бошқиртлар ўzlари учун ҳам босмахона, ҳам коллеграфия жиҳатидан қулай белгини танлаб ола билмадилар. Бошқирт тилининг фонетикаси билан оз-моз хабардор маорифчиларнинг ҳаммасига маълумки, бу иккала товушнинг «Z - S» белгилари шаклида кўрсатилиши

мумкин. Шунинг устига бошқирт алифбесининг умумий лотин алифбесига яқинлаширишдан ҳеч бир зарар йўқ.

Наҳоят, бир неча хил бошқа-бошқа белгиларнинг ҳар алифбеда ишлатилишга диққат қилиб ўтишимиз лозим. Ҳозирча бу масалани 4 нчи пленумгача очиқ қолдиришни зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки бирлашган алифбени яхшилаш тўғрисида ҳозиргача баён қилиниб келган мулоҳазалар тилларнинг хусусиятига таянмайдилар. Булар фақат графика масалалари бўлиб, фақат шуни тағин ҳам яхшилаш ва байналхалқ шаклига яқинлатиш мақсадини кузатадилар. Бу ерда ҳар хил тилнинг хусусиятини кўриб, графикага кўра, кўпрак имло ва атама масалаларига учраймизки, бу тўғрида маҳсус бир мақолада фикр баён қилсак керак.

Бу мақола - тажрибали лотинчилар билан кўп йиллар давомида фикр алмашувдан ҳосил бўлган нарсадир. Бу нарса пленум аъзолари ҳамда шўро шарқида янги ва инқилобий графика маданиятини туғдириш буюк ҳаракатига қатнашувчи ходимлар учун хотира бўлишини истайди.

*“Аланга” журнали 1930 йил.
3-сон, 3-4-бетлар*

ИЛОВАЛАР

ТИЛ ВА ҲАРФ МАСАЛАЛАРИ

Бу кун турк дунёсининг энг мухим масалаларидан бири ҳар ерда кўтарилимақда бўлган тил ва ҳарф масалалариdir.

Бу масала фақат бу йил очилган ва бошланган нарса эмасдир.

1905 йил Русиё инқилоби, 1908 йилдаги Туркия инқилобидан илгари бошланниб, булардан кейин қайнаган ва ҳалигача давом этмакда эди. Турклар Оврупо маданияти билан яқинлаша бошлаган вақтларда истар Туркиядা, истар Қрим, Қафқоз ва Татаристонда бу масалалари билан шуғуллана-турганлар кўруна бошладилар.

Туркияда бир ёқдан “Лисон тасфия”чилари туркчани араб, форс тили таҳаккуми остидан қутқазишфа тиришсалар, бундан ўрнак олиб Қафқоз, Қрим ва Татаристонда ҳам тилда соддачилик жараёнлари бошланди. Бу масалалар бошланган турк мамлакатлари бир-бировлариға ўхшаш ижтимоий вазиятда бўлганларидан бу ҳаракатнинг умумий хатлари бир-бировиға жуда яқиндир, ҳатто бир-бировининг айнидир.

Турк дунёсининг ҳар ерида “халқ тилига” яқинлашмоқ майли бошлангани учун бир турк тили бўлинниб, турли лаъжа ва шева адабиётлари бошлади. Бу “тамойул” сўнг йилларда яна кучайиб, ҳалигача бир оз “мунфайл-пассив” вазиятда бўлган ўзбек, қирғиз, уйғур каби қабилалар ҳам ўз шеваларида газеталар, журналлар, китоблар босдира бошладилар.

Бу соддачилик ҳаракати, ташланган араб, форс сўзлари ўрниға ишлатиш учун янги сўзлар топиш эҳтиёжини туғдирди.

Илмий истилоҳ ва таъбирлар умуман арабча ва форсча бўлганидан, биринчи даражада ҳужумға учраган эдилар. Туркияда дорилғунун ва анжумани дониш бўлганидан бу илмий истилоҳларга зарба бериш муваффақият кўрмади. Чунки борни ташлаш осон бўлса ҳам, йўқдан тузиш қийин эди, айниқса уни ишга сшириш учун кўп фурсат талаб қилинәр эди. Туркия учун бу ҳаракат илмда тўқнашишфа сабаб бўлар эди. Шунинг учун бу масалалар бир ёқдан эски ҳоли давом этар эди. Бунга мажбурият бор эди.

Татаристон, Қрим, Қафқоз, Туркистоннинг вазияти эса бундан бошқа эди.

Бунда дорулфунун ёки ўрта мактаб эмас, бошланғич мактаб (усули жадид) масаласи кетар эди. Бунда илмий истилоҳларга эҳтиёж йўқ даражасида бўлганидан бу “инқилобий зарба” бу тарафда сезилади. Фақат секин-секин Русия турклари орасида ҳам илмий масалаларга яқинлашиш кучайди. Ўрта ҳатто олий даражага мактаблар қурула бошлаш арафасига эришилганидан бошлаб, илмий истилоҳ ва таъбирларига эҳтиёж ҳис этildи.

Татаристон уч юз йилдан бери рус маданияти таъсири остида бўлганига таяниб, рус истилоҳ ва таъбирларини қабул қилишга майил кўрсатди.

Қафқоз ва Қрим эса Татаристонға қараганда бошқа бир йўл тутди. Яъни турк-Истамбул дорулфунунига табаъийат қилди, у ишланган арабча ва форсча истилоҳларни ишлатди, у қабул қилган араб истилоҳларини рус шаклида эмас, тўғридан-тўғри араб шаклида қабул қилди.

Ўзбеклар арабча ва форсча кўп таъбирларни сақлаган бўлсалар ҳам, қирғиз-қозоқлар буткул маҳаллийлашдирмакга киришдилар, қила олмаганларини татарлар каби русдан олдилар.

Бу илмий истилоҳ ва таъбирлар бобидағи вазият тилнинг умумий тузулиш жиҳатига ҳам таъсирсиз қолмади.

Қрим, Қафқоз (кейинроқ туркманлар ҳам) шевалари усмонличага яқин бўлганидан шунча яқинлаша бошладилар.

Татарлар эса (бошқирдлар билан бирга) ҳам жуғрофий вазиятлари, ҳам бу рус истилоҳ ва таъбирларини русдан олиш майли орқасида ўрусча яқинлаша бордилар. Татар газета ва журналларининг ҳеч бўлмаганда, 40 фоизи рус сўзлари билан тўлди.

Қирғиз, қозоқ зиёлиси ҳам татар изидан бормоқдалар. Бу ҳол улар учун табиийдир, борни ташладилар, ўzlари тузуб ишга ошира олмадилар. Ўрнига ўrusча кирди.

Ўзбекнинг бу иккисидан қайсисига яқин экани ҳали очиқ эмас.

Аҳвол, вазият шу даражага келгандан кейин, турк дунёсининг ҳар ерида айниқса бу масала ечилишига ортиқча муҳтож бўлган Қрим, Қафқоз, татар, ўзбек, туркманлар орасида тил масаласи янги бир шаклда қўзғолди, у-да тил бирлиги масаласи эди.

Бу масалани бошлаб қўзғоган И smoилбекдир. Лекин бу киши ўзи бошлаган ишга илмий бир асос қура олмаганидан, бу ташабуси сўнишга маҳкум эди. Бу кун эса бу масалалар илмий бир шаклда майдонға отилемоқдадир. Бунинг биринчи намояндаси “Турк-татар илмий сарфи”, “Турк-татар лисониятина мадҳал” отли илмий нарсалар эгаси Крим дорулфунуни мударриси дўқтур Чўбонзодадир.

Бу зот ўз асарларида турклар учун умумий бир тил кераклигини илгари сурадир ва бунинг учун тубандагича муҳокама қиласидир:

“Адабий лисон ила жонли дил орасинда буюк фарқ бордир. Адабий лисоннинг ёзилуб ва ёзи, китоблар, мактаблар воситасила ўрганилиб “қўнушма” дилни дўғридан-дўғри ихтиёрий ва эътибори бир суратда ўрганилмасдин илари галар. Ишта бунинг учун адабий лисон пак оз ва пак ёвощ ва ишдаги ҳолда “қўнушма лисони” пак чобуқ ва пак зиёда дагишир. Асосан унга жонли дил демамизинг сабабида ишта бу табаддулдаки суратдан дулайидир. Бунга очиқ мисол араб ёзувида лотин ёзили адабий лисони ила, араб ва ёхуд, лотин шевалари орасидаки фарқдир. Сарф китоблари ишта бу сабабдан дулайи дурли-дурли ўла билирлар”.

“Ажабо ҳар ҳангى бир миллатнинг лисони нуқтаи назаридан ягона соф лисони ўлмишмидир ва ўла билирми? Буни адо этмак лисоннинг энг басит қоидаларина ошно бўлмоқ демакдир. Ҳеч бир миллат йўқдирки унинг якпора, якнасақ лисони ўлсун. Ҳатто даҳо зиёда тафтиш эдажак ўлурсоқ, ҳар фардинг кандисина маҳсус бир тоқим этёд ва хусусиятлари бордирки, бунларинг ҳаёти мажмуаси унинг “шахсий лисони, услуби, сарфи, наҳвини” ташкил этадир”.

“Турк-татар ҳалқ лисонлари, ҳатто қирғизларда даҳил ўлдиги ҳолда бир-биридан тамомила айрилмиш лисонлар ҳолина галдиги йўқдир. Турк-татар лисон ғаручасиндан айрилиб, мустақил лисон ҳолина галмиш ялингизчуваш ила ёқут лисонлари вордир.

Бунинг учун бутун татар ҳалқ лисонларининг луғат, калима ташкили, ниҳоят наҳв ва услубини бир ерда тўпламоқ имкони оз дагилдир ва буйла бир ташабbus турк-татар ҳалқларининг маданията кирмалари, қувватли, маданий марказларга молик бўлинмалари учин фавқулодда ёрдам эдажақдир.

Шубҳасиз бу хусусда қалқуб Истанбул шеваси турк-татарларининг умумий лисони ўлмоқ учун чуқ дагишмак ва они дўлихалқ лисонина ёқлашмоқ лозимдир.

Қирон шевасина галинжা унинг енгил ўлмиёжоқ даражада дигар шевалара таъсири ўлмоқ-ла баробар буйла бир вазият ҳоким ўлмоқда чўқ узокдир.

Мұхталиф шевалардан айри-айри адабиёт, мактаб, матбуот майдона гатирмак савдоси мунаварарапаридан пак чўғининг гечдиги дар бир қуридурдир. Ҳолбуки, бу мумкин дагилдир. Бугун донимарқа, исвич, нуруч киби миллатлар билан лисонларинг дигар буюк миллатларинг лисонларини ёқлашдирмага чолишмоқдадир”.

Бу ергача кўчирганимиз Чўбонзоданинг фикридир. Машхур прўфессур С.Самойлович ҳам шу фикрдадир. Бу фикр тараффорлари турк миллатининг маданиятига кириш учун “тил бирлиги”ни энг биринчи омил деб биладир. Прўфессур Самайлович Ленинград шарқ дорилфунунида, Чўбонзода Қрим ва Қафқозда олий мактаб талабаларига шу фикрни талқин этмақдадирлар. Бу масалалар олий, илмий ихтисос муассасаларида жиддий суратда текширилмакга бошлангандир.

Иккинчи масала ҳарф масаласидир. Янги имло масаласининг Туркияда, Татаристонда ва бизда бошланганига кўп йиллар бўлса ҳам лотин ҳарфни қабул қилиш учун жиддий музокаралар шу икки йил орасида кучайиб қолди. Буюк инқиlobимииздан кейин бу масала Татаристонда жиддийрак кўзғолган бўлса ҳам тез сўнди. Қафқозда эса кундан-кун бу ташаббус ортмоқдадир. Лотинчиларнинг уюшмалари ташкилоти доирасини кентгайтирмақда, матбуотини кучайтироқ ва кўп тарқотмоқ учун тиришмақдадир.

Бу лотинчиллик бир ёқдан шу муваффақиятларга эришмакда бўлса, иккинчи жиҳатдан Қримда, Татаристонда, Қафқозда бир кучли жиддий қарши ҳаракат ҳам қўзғатмоқдадир.

Ўтган йил Қримнинг машхур ёзувчиларидан Ҳасан Сабрий Айвазув “Янги Дуне”нинг 3-4 сонида араб ҳарфини ёқлаб, лотин ҳарфларининг камчиликларини кўрсатиб узун илмий мақолалар ёзади.

Озарбойжон Маориф комиссарининг нашр афкори “Маориф ва маданият” журнали дорилфунун мусаррисларидан Муҳиддиннинг фикрларини майдонга ташлади. Сўнг

вақтларда татар мұхаррирлари ҳам бу тұғриларда ёза бошладилар.

Марказ фирмә құмитасининг нашриёт бүлими томонидан чиқарылған ҳафталик бюллитин "Книганоша"нинг үтгандык сонларыда ҳам бу тұғрида ёзилиб тұрганидек құлымиздағи 26 нчи сонида "Алифбо масаласи тұғрисида" бир мақола Ф. Тоҳиров имзоси билан чиқди.

Бу киши Фуод үртоқнинг мақопасини танқид қылғандан кейин лотин ҳарфини қабул қилиш ва лотин алифбосига үтиш татар мәданиятининг үсиши учун ёрдам қила оладими? деган саволни бергандан кейин маъноларни тубандагыча санағай бошлайдылар:

- 1 - бу күнгача араб хуруфоти билан босдирилған мактаб китобларини қайта бошдан босдириш керак бўлади;
- 2 - Татар муаллимларини тамоман қайта бошдан тайёрлаш;
- 3 - Татар матбааларини тамоман қайта бошдан тайёрлаш;
- 4 - Қайтадан ҳарф тергучилар тайёрлаш;
- 5 - Бутун татарча китобларни лотин алифбоси билан босдириш;
- 6 - Юз фоиз саводсиз халқни ўқитиш.

"Чунки лотинча қабул қилинганды бутун халқ саводсиз бўлиб қолади", дегандан кейин үртоқ Тоҳиров: "Агар бу манбаларга қарамасдан лотинчани қабул қиласиз десалар, шу манбалар сабаби татар мәданий үсиши ўн йилларча кейинга кетар ва лотинчаларнинг машҳур "лотинча мәданият қуролидур" деган қазиялари куруқ бир даъво бўлуб қолур", деб илова қиладир.

Энди бу тұғрида яна Чўбонзодани эшитайлик:

"Түрк-татарларнинг мисоллари шимдия қадар ўрхун, уйғур, сери, яхудий, рум, армани, рус, лотин, араб, чин ҳарфлари-ла ёзилмишидир.

Лекин мұхталиф даврларда бу ёзилар қўлланан одамлар ҳеч бир вақт түрк-татар савтларининг хусусий нуқталарини назари эътибора олмамиш каби гўрунурлар.

Түрк-татар дилларини ёзмоқ ичин умумий типлари оло-жоқ ўлурсиз - А, О, У, Д, І, И, О каби саслари ёзажақ ҳарфлар ижод этмак лозимдир. Ишта бу ода араб ёзисининг буюк қуясури майдона чиқюр.

Араб ёзиси бир чўқ асрлар тарафинда дурк табаддуллар кечириши бўлиндиғинда гелиши гўзал ёпилажақ бир ҳарф

анда ўлмоқдан ҳеч бир замон қуритилмаюр. Бунинг ичин шимдия қадар гарак муаллим Нажи, гарак самиласли Исмоил Ҳаққи ва қозонлилар тарафиндан ёпилан тажрибаларнинг ҳеч бириси буюк бир муваффақиятга ноил ўлолмади. Буни гўран ва ёзининг ислоҳи ёзилишиндан воз кечмак фикрина душмишлардирки, бунинг ерина баъзилар лотин, баъзилар-да рус алифбосининг қабулини таклиф этмақдадирлар.

Илм назаринда араб ёзиси или лотин ёзиси орасинда ҳеч бир фарқ йўқдир. Ҳар иккисида ёзишиндан чиқароқ бириси шарқа, дигари гарба дўғри инкишоф этмишдир. Энг идеал вазият бир дилдан бўлинан сас қадар ҳарф ижод этмагимизки, бу даражая ҳануз ҳеч бир алифбо вормамишдир. Ва дилнинг дурмадан инкишоф этдигини назари эътибори олалсақ вармоқ имкони-да йўқдир”.

Бу фикр эгасининг айтмак истагани маълумдир. Яъни арабни лотин билан алишдирмоқнинг илм назаридан ҳеч бир ортиқлиги йўқдир дейдир.

Юкоридан бери келтирилган ҳарф тўғрисидағи фикрларнинг ҳаммасини бир ерга йигсак, шу чиқадирки, бу ҳарфни ўзгартиш масаласи ҳеч бир ижтимоий фойдаси бўлмаган, балки кўп зарарлар бўлган бир ташаббусдир. Бунинг илмий бир қиймати йўқдир. Шунинг учун бу масалаларни қўйиб маданий ҳаётнинг ўсишига ёрдам бературган бошқа масалалар билан шуғулланмоқ керакдир.

Мана бу кунги ҳарф-тил масаласининг вазияти шундайдир. Бу мақоламиздан мақсадимиз-да шу вазият билан ўқувчиларимизни таништирумoque эди.

Илова ўлароқ шунида билдирайликки, биринчи октябрда Бакуда йигилмоқчи бўлган бутун дунё туркшунослар қурултойи шу масалаларнинг кўтариш натижасидир ва бунда бизнинг шу ешилмаган тугунларимиз ҳал қилинса керак.

Агарда бу қурултой бизнинг эҳтиёжимизни тузук тушуниб, амалга ошириши мумкин бўлган фойдали йўллар кўрсатса, бизнинг маданий ҳаётимиз учун биринчи “ёрдамчи” моҳиятини қозонган бўладир.

*Вадуд Маҳмуд.
«Маориф ва ўқитғувчи» журнали,
1925 йил 5-6-сон.*

ТУРКИЁТ ҚУРУЛТОЙИ

Туркиёт, туркулижи, туркулўгиё таъбирларининг барчаси бир маъно ифода этиб, “туркни танимоқ илми” демакдир.

Ҳаёт ва кураш майдонига отилган миллатлар, бу кунги кун ке-чиришларини интизомга қўйиш учун ўтган кунларини кўздан ке-чиришлари ва ўзларининг ким ва қандай бир шахсиятта молик бўлганликларини аниқлашлари зарур кўруладир, бу мажбурият айниқса, турли қавмларнинг бир-бирлари билан бўлатурган маданий тўқунушлари чоғида жиддий бир суратда сезиладир.

Моддий маданиятда (цивилизацияда) бир қаторда бўлган, яъни бир болға-бир ўроқ ишлатадирган халқ маънавий маданиятда, яъни ҳарсда (культурда) бир-бирларидан тоғлар ва дengизларча айрма кўрсатадирлар. Ҳарс: руҳий фаолиятнинг натижалари бўлганидан гўзал санъатнинг бутун бўлимлари одат, ахлоқ, дин, маҳзаб каби руҳий муассасаларда бу айрмалар очиқ кўринадир. Шунинг учундирки: меъморда олмон, италён, франсуз, ҳинд, араб каби таснифлар кўрамиз ва эшитамиз. Моддий маданият (цивилизация)да қанча умумийлик (объективность) кўрсак, ҳарсда (культурда) аксинча шунча хусусийлик (субъективность) кўрамиз.

Туркистон классик (таснифия) мусиқийисининг асоси араб ва эронники бўлса ҳам, Мовароуннахрнинг айри хусусиятлари очиқдир. Арабнинг чалатурган “Ироқи” билан Эроннинг ва бизники бошқа-бошқадир, бир-бировидан танилмаслик даражада айридир.

Меъморимиз араб, эрон, ҳинд ва чин таъсири остида бошланган бўлса ҳам, бу кун исбот этилгандирким: Мовароуннахр меъмориси ўзичадир, ўзиникидир, бошқадир. Шеърда ҳам шудир, шимолдан бошлаб жанубга қараб қанча энсангиз мавзууда чиройлилик, бойлик ва кенглик кўрасиз.

Миллатлар мана шу хусусиятларга эга бўлган тўдалар бўлмасалар, ясама чегаралар, зўраки унвонларнинг аҳамиятлари йўқдир.

Шу айри хусусиятларга молик бўлган миллатлар хусусиятларини қанча соғ ва бориз сақляя олсалар, шунча кучли миллият кўрсата олурлар ва кучли бир миллат аталурлар.

Қитайлар ва ҳиндлар сиёсий ва маданий жиҳатдан қанча маҳкум бўлсалар бўлсунлар, миллий сажиялари кучли миллатлардандир. Уларнинг бутун санъатларида, яшайишларида, динларида ўзларичалик хусусият бор.

Русларда эса бу хусусият нисбатан заифдир. Тўқунуш, яъни маданий муносабатлар чогида баъзи миллатларнинг ютушлари (тамсил), ютулушлари (тамассул) мана шу бир ҳарснинг бошқаси устига ғалабаси демақдир.

Мана шу ҳарсий ютулиш, ютулмаслиқ жиҳатлариданadirki, бу кунги миллатлар ўзларининг руҳий хусусиятларини тасбит этмак чораларига сарилганлар ва бунинг натижасида шарқиёт, ғарбиёт, туркиёт, русиёт каби илмлар майдонға чиқған.

Инглизларнинг инглизликни сақлаш учун мутаассибона қийналишлари, олмонларнинг олмонлик учун асабий берилишлари бу кунгача бўлган ҳолнинг очиқ мисоллариданadir.

Бу илмлар курулиши ва майдонга келишининг сабаби ёлғиз бу эмасдир. Умуман ҳар миллатнинг ўзини танимоқ истагини ва бунинг кундалик ҳаётдаги амалий аҳамиятини тақдир этмак ҳам жиддий сотиқаларданadir.

Туркиёт илми ғарбда ва бизда бошқа-бошқа эҳтиёжлар орқасида туғди.

Ғарб миллатлари, илмга хидмат учун-балки биздан истифода этмак ва бизни яхшироқ-осонроқ идора этмак учун - иш бошладилар.

Биз эсак ўзимизнинг кимлигимизни билгимак ва бошқалар орасида мавқеимизни билмак учун киришдик; бизнинг бу ишимиз икки жиҳатлидир: бир ёқдан билимга хидматдир, иккинчи ёқдан ўзимизни билмақдир.

Ҳар илмни илгари суриш учун мутахассисларининг бир-бировлари билан муносабатда бўлишлари, хабарлашиб туришлари кўп ёрдам берадир; бу кунги туркшунослар бир-бировларининг ишлари билан танишмоқ ва келгуси ишларининг планларини чизмак истаганларидан, биринчи ўлароқ бир туркиёт қурултойи чақиришга қарор берилгандир.

Қурултойнинг бу кун чақирилишининг яна айрича бир маъзияти, турк қавмларининг ғарб маданий оиласига кира бошлаган шу чоқларида ечиш керак бўлган мухим масалаларнинг ўз аҳллари орасида музокарага қўйилишидир.

Бу туркиёт қурултойининг учунчи аҳамиятли томонидир.

Унда кўрулатурган масалалар тубандагичадир:

1. Туркиётнинг ҳозирги ҳоли ва келгуси ўсиш йўллари;
2. Турк тиллари ва шеваларининг таснифи (классификацияси);
3. Турк тили ва шеваларининг бошланмаси, тарихи ва ўсиши;
4. Турк тили ва шеваларининг қиёсий фонетикаси ва туркча ёзувлар;

5. Туркчада илмий истилоҳлар яратмоқ масаласига тегишилик турк тили ва шеваларининг қиёсий морфологиси;
6. Турк тили ва шеваларининг бошқа тиллар ва шевалар ил (мўғул, фин ва бошқалар) ва ёфатизм назарияси-ла яқинлик ва алоқаси;
7. Туркларнинг ибтидоий динлари;
8. Туркларнинг ибтидоий тарихлари;
9. Турк миллатларининг алифбоси;
- а) араб алифбоси,
- б) мўғул алифбоси,
- ж) рус алифбоси,
- д) лотин алифбоси;
10. Турк тилларининг имлоси;
11. Турк тиллари ўқитиш йўли;
12. Турк тилларининг истилоҳлари;
13. Турк миллатлари орасида инқилобий ҳаракат тарихи;
14. Ташкилот масалалари.

Бу қурултой учун СССРдаги турк жумхуриятларидан вакиллар иштирок этатургандаридек, СССР ва хориждаги туркшунослар иштирок этгусидирлар. Вакиллар 150 қадар тахмин этиладир.

Бу қурултой биринчи февралда чақирилса керак. У чоққача турли жумхуриятлар вакилларидан мураккаб бир пленум (кенгаш мажлиси) бўладир.

Қурултойда машҳур олимлардан туркияли Кўпрулизода Фуод, олмонияли Бониғ, Бартольд, Самойловилар иштирок этиб маърузалар ўқийдилар. Қурултой туркча ва русча ўла-роқ икки тилда давом этгусидир.

Бу қурултой машҳур шоиримиз Навоийнинг беш юз йиллик ва Озарбойжонда мунтазам турк матбуотининг эллик йиллик юбиласига тўғирланиб очилмоқчидир.

Қурултой ёнида турк матбуоти сергиси (қўргазмаси) бўладир.

Бу қурултой муносабати-ла Самарқандда чақирилган маслаҳат мажлисининг қарорлари айрича босдириладир.

Вадуд Маҳмуд.

*«Маориф ва ўқитғувчи» журнали
1925 йил 11-12 қўшма сон.*

“ЧОБАН-ЗАДЕ МЕНИМ ДЕ УСТАЗЫМ”

Устаз! Бу бир сёзде гъает терен мана бар. Халкъымызда “Устаз корьмеген шегирт адам олмаз” деген аталар сёзю бар. Бу ич бир вакъыт ольмейджек акъикъат, чонки эр бир адам озю сечип алған зенааты боюнчада эльде эткен мувафакъиети_н устазсыз тасавур этип оламаз. Акъикъий устаз ич бир вакъыт шегиртининъ къальбинден силинmez. унутылмаз.

Мен бугунъ, иришken мувафакъиетимни, мертебемни, бильгимни ойлагъанда бир чокъ устаз муаллимлеримнен берабер буюк урьметнен кърымтатар халкъынынъ гъууруры, фахыры олмыш Бекир Чобан-задени де хатырлайым.

Университетимиз 1927 сенеси тешкиль олунгъан эди. Пек агъыр йыллар. Мутехассыслар етишмей. Ильк студентлер сырасында мен де бар эдим. Акъылымда, оджалар, мутехассыслар етишмемезлиги себебинден 30-ндже йыллар да Москва, Ленинград, Къазан университетлеринден ве дигер шеэрдернинъ алий окъув юртларындан мутехассыслар, корюмли алимлер чагъыртыла, олар бизге лекциялар окъуй эдилер.

Бугунъидай акълымда, бир кунь аудиторияларымызгъа тюрк халкъларынынъ сымасыны анъдыргъан, къара гурь сачлы, беяз томалакъ бетли, ири, ойчан козълю бир йигит кирип кельди. Онъа аякъдаш олып кельген университет ре-берлеринден бири о адамнен бизни таныштырды. Ады Бекир Чобан-заде. Азербаджан университетининъ профессоры экен. Пек яш корюльген бу адамнынъ профессор олгъанына энимиз шашып-айретленип къалдыкъ.

Бекир Чобан-заде о вакъыт бизге олгъаны-оладжагъы бир къач лекция окъуды. Лякин шу бир къач лекция девамында онынъ бутюн тюрк тиллерини тюбю-темелинден бильгени киби, араб, фарс, франсыз немсе, инглиз тиллерини ве энъ муими рус тилини де пек яхши бильгени бизлерни, энди бильги чешмесине далгъан яш узбек зиялъларыны даа зияде айретлендирди.

Бекир Чобан-заде тюркий халкъ тиллери тарихы, тюрк филологиясы акъкында те рен мундериджели лекциялар окъуды. Лекциялардан соңъ, тенефюс вакъытын да, биз оны сарып ала ве чешит суаллер бере эдик. О бизим ичюн энъ

якъын олгъян Алишер Навоийнинъ иджадыны беш пармакъы киби биле экен. Шундан сонъ биз оны даа зияде севдик.

Озю акъкъында ич бир агъыз сёйлемеген гъает талантлы, алчакъгонъюлли терен бильгили бу адам вакъыт озю де шаир олгъаныны айтмады. Чокъ йыллар кечкен сонъ мен онынъ буюк шаир олгъаныны бильдим ве бир даа онынъ ольmez хатиреси оғюнде теменна этип баш эгдим.

Бугунъ де, университетимизнинъ 50 йыллыкъ тойында: «Санъа бинъ тешеккюр, устаз Чобан-заде!» деп юрегимде джошкъан сынъырсыз эеджаннен онъя баш эгем.

Вахид АБДУЛЛАЕВ,

*Узбекистан Илимлар академиясынынъ
академиги, филология илимлери докторы,
Самаркъанд девлет университетининъ профессоры.*

ШЕҖРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

ОНАМ

Шом чўқади зилдек оғир, кўк қораяр,
 Қизил, қора булутлар ўтиб борар.
 Панжарадан тоғларни сайд этаман,
 Тоғлар оша ўз юртимга етаман.
 Унда ҳозир, биламан, шом тушган яна,
 “Омон бўлсин” деб зикр этар шўрлик Онам.
 Сажда қилур, ўкинур, Қуръон ўқир,
 Қўлларини кўкка чўзиб ёлворур, кўз ёш тўкур.
 “Бакирим” деб, “арслоним, кўрар кўзим!
 Қаерларда юрибсан сен, маъсум қўзим?
 Йўқса, қайси бир раҳмсиз ўлдирдими?
 Ёш умрингни аччиқ еллар сўлдирдими?
 Менинг бошим, жигарим, қалбим, фақирим,
 Нури дийдам, бор ҳаётим, Саид Бакирим.
 Кун кўрмадим, ўнгланмадим, қодир Эгам!
 Сен хазинам, инжум эдинг, ғариб болам.
 Ўпиб, силаб-сийпаб, ёлғиз ишонганим,
 Юлдузлардан, ёт кўзлардан қизганганим...”
 Она кўнглим бунча нозик, бунча нафис,
 Ўз фарзандинг бўлмаса-да, этасан ҳис.
 Тунлар турфа тушлар кўрар, чўчиб турар,
 Фарзанди деб минг бор ўлиб, минг тирилар.
 Чақиради тонгда кўшнисини дарҳол,
 Тушин айтар, таъбир сўрар, очирап фол.
 Шом чўқади зилдек оғир, кўк қораяр,
 Юрагимга турфа ўйлар соя солар...
 Зулматлардан мен кўркмайман, юрга учиб
 Боражакман, онажоним ўпиб, қучиб,
 Оёғига ииқиламан, дейман: “Кечир!”
 Нечун мени ёрлақамас Тангри ахир?
 Кўпдан бери тушларимга Онам кирав,
 Бошим силаб, кўзларимдан ўпиб турар.
 Йиғлар Онам шум тақдирни қарғаб, аё,
 Тушин эслаб, Тангрисига айтар сано...

БИЛМАЙИН

Баҳор келсин, чечак очсин ҳар ерда,
 Ёмғир ёғсин, яшин тушсин қирларга,
 Мен йигълайин, эшитмайин, билмайин...

Раста қизлар сузилишиб турсинлар,
 Зол кампирлар миш-миш қилиб юрсинглар,
 Мен суқ билан термулайин, билмайин...

Қора кўзинг кўзгум бўлсин, боқай мен,
 Сочларингга мунглув чечак тақай мен,
 Кучай сени севганимни билмайин...

Англаса бас қишлоғимнинг дилбари,
 Мени кўрсин юмилса-да кўзлари,
 Севсин мени, мен бу ишқни билмайин...

Ўлим чақса оташини кўзимга,
 Оҳ йўғрилмай на тилим, на сўзимга,
 Ҳолсиз-ҳолсиз ўлганимни билмайин...

БИР ИЗН БЕРИНГИЗ!..

Бир изн берингиз, юртимга қайтай!
 Юртимга қайтибон дардимни айтай!

Мағрибдан қайтайин қанотим очиб,
 Кўнглимга музлардан оташлар сочиб...

Наслимда на мирза, на бор битта бой,
 Отам бир чўпондир, Онам – бир опой...

Бир изн берингиз, ҳайқириб кирай,
 Қrimда, Кошғарда ўкириб юрай...

Бир бўрон ясай тинч татар чўлида,
 Муллаю фақирнинг ғамсиз кўнглида...

Бир изн истайман юртим сари, ҳай,
 Саройда йўлидан озганга боқай...

Юзлари қип-қизил, гардани йўғон
 Боёнлар, эртандиз не бўлур – аён...

Ўлимнинг тусига кирап туслари,
Буришиб кетади ёғлиқ юзлари...

Бир изн берингиз, кўзларида ёш,
Юраги совиган, эгиб юрган бош –

Қишлоқликка айтай ўзин тилида,
Мен узиб берайин илм гулидан...

Шуълаланиб кетсин бу хира кўзи,
Арслонга айлансан, нур сочсин сўзи.

Бир изн истайман, ҳайқириб кирай,
Кримда, Кошғарда “Юртим!” деб юрай...

КЕКСА ДУНАЙ

Кун ботар, қоронғи...

Қип-қизил тоғ бағри...

Шафаклар мисли май,

Кекса Дунай, кекса Дунай!...

Кўк булут, юлдуз йўқ...

Үй иссиқ, қалб совуқ...

Дўст йўқ, ёр йўқ, найтай...

Кекса Дунай, кекса Дунай!...

Сиримни билдирма,

Ёвларни кулдирма,

Татарман, қўлда най,

Кекса Дунай, кекса Дунай!...

Сас келур узокдан,

Қримдан, қипчоқдан,

Нечун ҳам мен йиғлай,

Кекса Дунай, кекса Дунай?...

Ичию таши кенг –

Мозорим қайда денг,

Айт, мен қайда сўнай,

Кекса Дунай, кекса Дунай!...

Кемалар қўзғолур,

Бурилиб йўл олур,

Қримга кетдик, ҳай,
Кекса Дунай, кекса Дунай...

Қримга қарама,
Ҳол-аҳвол сўрама,
Қурирсан ийл ўтмай,
Кекса Дунай, кекса Дунай.

Бизни деб йиглама,
Бағрингни тиғлама,
Умид мўл, ғам талай,
Кекса Дунай, кекса Дунай...

МИНГ ТҮҚҚИЗ ЮЗ ЎН ТҮҚҚИЗ

Ҳаво совуқ, кўк булат, ёғар ёмғир...
Панжарамни аччиқ еллар қоқар оғир...

Янги йилни кутмоқдаман ёлғиз қолиб,
Ўтган йилдан ҳар ишимга ҳисоб олиб...

Ўтган йил ҳам ўнг келмасдан қолиб кетди,
У ҳам мени пушаймонга солиб кетди...

Мен бу йилнинг кори-борин айтолмасман,
Ўлларимни сўзда баён этолмасман...

Йўқдир менинг янги йилим, йўқ зиёси,
Бизнинг дунё бу – башарнинг зол дунёси.

Қорин ғами – ёлғизгина ғуссам менинг,
Эгнимда жун хирқа, қўлда ҳассам менинг.

Узун бир йил, сўнгги куни унинг – мозор...
Янги йил йўқ бизга, чунки бизлар – татар...

ТУМАН

Сарбаланд тоғларнинг тепаси туман,
Буюк фарзандларнинг турбаси туман,
Кутмаган кунларнинг нафаси туман,
Оғир курашларнинг қон саси туман.

Эгилиб термулар, бағрингга кирап,
Жилмаяр, ўпишар, қучоғин керар,

Йўлидан қайтмагай ҳамда йўл берар,
Билимдон, ўқиган йигитдир туман.

Буюк денгизлардан сув эмиб ширин,
Доим юксакларга тикар чодирин,
Ҳеч кимса билмагай туманинг сирин,
Озоддир, сархушдир, сарбастдир туман.

Гоҳида ёмғирдир, гоҳо қор-қиров,
Гоҳ музга айланар, гоҳо ўт-олов,
Бирров ўчоқ ёқар, сўндирап бирров,
Ўйноқи, шошқалоқ гўдақдир туман.

Айланур тоғ бошин, чўлга етмагай,
Кўз очиб дунёга назар ўтмагай,
Бир шамол қўзғалиб ҳайдаб кетмагай,
Тоғларга илашиб қолгандир туман.

Юзи бор, кўзиу қоши йўқ Шарқнинг,
Дарди бор, тўккали ёши йўқ Шарқнинг,
Тили бор, сўзлашга доши йўқ Шарқнинг,
Чўллари, кўллари, эллари туман.

Мағриб шамоллари, қибла бурони
Жўшмаса тирилмас чини, ўрони,
Яшармас чўллари, кўчмас карвони,
Эссин ғарб шамоли, ёғсин бу туман.

ОНА ТИЛИМ

Сени мен Қримда, Қозонда топдим,
Юрагим жўш урган замонда топдим...

Ёт элда мунғайиб ғарип юрганда,
Умидлар, ўйлардан ҳориб юрганда,

Бўйнингга осилдим дардларим айтиб,
Бир гўзал сўзингдан ўзимга қайтиб...

Қўшиғинг бўлмаса, маънинг бўлмаса,
“Юрт” деган сўзингдан юрак тўлмаса,

Оҳ, қандай юрадим ғурбат элларда,
Нотаниш, бегона, ёт бу йўлларда?...

Билмасман туркми ё татарми отинг,
Ширинсан, Тангридан инъомдир totинг.

Турк ҳам сен, татар ҳам сенинг сўзларинг,
Иккиси икки жуфт мунгли кўзларинг...

Вена қаршисида, қозоқ ичинда
Баробар куйладик Ҳинdda ҳам Чинда...

Ёв ҳам севиб қолар англаса сени,
Юраги эригай тингласа сени...

Истайман – мен сени ҳар ёнда кўрсам,
Инжу қўшиқлару достонда кўрсам...

Қушлар, қашқирларга сени ўргатсам,
Ўксизлар қалбida нур бўлиб ётсанг...

Жомега, мөхробга, саройга кирсанг,
Денгизлар, чўлларда ўзинг барқ урсанг...

Сен билан душманга ёрлиқлар битсам,
Сен билан кўнгилдан кўнгилга етсам...

Қабримда малаклар ҳол-сўроқ қилса,
Азройил тилимни минг бора тилса,

“Ўз Она тилимда сўрагин!” дерман,
Ўз Она тилимда куйлаб ўларман...

Кўнглимга қайғулар буров солгандা,
Халқимнинг юлдузи чангда қолганда,

Она тил... бошқаси хаёлга келмас,
Бу буюк сирдирким – душманлар билмас.

УМИД

Ерлар муз, оғочлар қорайиб турар,
Бир совуқ ел эсар, қорларни сурар.

Ҳувиллаган чўллар рангсиз ва туссиз,
Чўпонлар кўз тикар, бу чўллар изсиз...

Хаёлга толасан – келгайми баҳор,
Чўлларда ҳаёт йўқ, эримайди қор...

Лекин биламанки, бир қёш чиқса,
Булутлар ёприлиб, чақмоқлар чақса...

Музлар эриб битар, яшнагай ўтлар,
Булбуллар чаҳ-чаҳлаб баҳорни кутлар...

Яшинлар қарсиллаб кўқдан тушадир,
Гиламдек яшнагай қир ила адир...

Бу кунлар ўтади чиқса бир қёш,
Баҳорлар келади тўйга бўлиб бош.

* * *

Менинг ҳам қалбимда қиш бсрдир бу кун...
Юрагим муз қотган, қайгули, маҳзун...

Эртамда шуъла йўқ, осмоним – булут...
Ҳар кунни кўнглим дер: “унутгин! Унут!”

Бир севги келади – биламан магар,
Умрим шаън, янгидан юлдузим чақнар...

Бу севги юракка шуълалар солур,
Жўшадир туйғулар, қайгум йўқолур...

БИР САРОЙ ҚУРАЖАКМАН!...

Бир сарой қуражакман! Хон бўлмагай ичинда,
Қул, чўри, очлик, хўрлик, қон бўлмагай ичинда...

Тошин ёт эллардан келтирмасман ҳеч,
Етар ўз юртимда қуйилган кирпич...

Гарчи юксак бўлмаса-да кошонаси,
Мустаҳкаму ёруғ бўлгай ҳар хонаси...

Деразаси катта бўлгай, нурлар киргай,
Эшиклари шуълаларга очиқ тургай...

Қибла ели кириб тургай бу саройга,
У қарашли бўлмагай ҳеч фалон бойга...

Бир сарой қуражакман, хон бўлмагай ичинда,
Қул, чўри, очлик, хўрлик, қон бўлмагай ичинда...

Тозалайман юртимнинг бул вайронини,
Шаҳид кетган мардлар устихонини...

Улардан мен ажиб лойлар қоражакман,
Қабрлардан суяқ сўраб боражакман...

Шу зайлда тиклангайдир тўрут девори,
Чашмалари, чечаклари, зўр виқори...

Топтамагин эзгу ерни, сен энди тур,
Солгин сарой, ўз бетимсол давлатинг кур...

Бир сарой қуражакман, тош бўлмагай ичинда,
Суяқ, эту жон бўлгай, ёш бўлмагай ичинда,
Оч бўлмагай ичинда...

ОЛИС ТОҒЛАР

Сиз ҳам мени ўйлайсизми?
Ёниқ куйлар куйлайсизми?
Чет-четларда йиғлайсизми?

Кўкка қадар етган тоғлар,
Йиғлабон зикр этган тоғлар.

Яна сиздан мард отлиқлар кечарми,
Жилғангиздан қона-қона ичарми,
Замон сизга юрагнини очарми?

Парига қўноқ тоғлар,
Мардларга ётоқ тоғлар.

Қанча отлар бағрингизда кўмилди,
Қора кўзлар ўр-қирларда юмилди,
Оғир кунда дил умидга йўғрилди,

Ол, яшил, сурма тоғлар,
Йигитга турба тоғлар.

Ёт элларга тушдим, сиздан айрилдим,
На яйрадим, на яшнадим, охир сўлдим,
На севилдим, на-да севдим, ғамга тўлдим,

Туққаним, кўзим тоғлар,
Тупроғим, ўзим тоғлар.

Ўса-ўса осмонларга етармисиз?
 Булутларни оппоқ қалпоқ этармисиз?
 Келсам, менинг қўлларимдан тутармисиз,

Баридан буюк тоғлар,
 Юраги куюк тоғлар...

Сиз юксаксиз, шукуҳ берган Тангри ўзи,
 Бағрингизда неъматлар мўл, кўю қўзи,
 Ёт элларда хор бўлмасин ўғил-қизи,
 Оқ, яшил, қора тоғлар,
 Жигари пора тоғлар.

Сиз йўқсангиз мен ҳам ғамга тўлар эдим,
 Қоянгида мен сарғайиб сўлар эдим,
 Хилватнишин бир пучмоқда қолар эдим,

Ўнгарган, ўнгган тоғлар,
 Қайнаган, тўнгган тоғлар.

ДУНАЙ ТОШАР

Дунай тошар, жўш уриб кўпиради,
 Асов тошқин қирғоғин ўпиради.

Долғаланар, шовуллар, тўлқин отар!...
 Тошни суриб, кўприкларни бузиб кетар...

Одамлар бир четда туарар қути ўчиб,
 “Дунайга не бўлди ўзи?...” дерлар чўчиб...

Олтмиш йилким, у бундайин тошгани йўқ,
 Пишқирганча қирғоғидан ошгани йўқ...

Ўз истагин ҳар нарсадан муҳим кўрган,
 Сенинг гўзал мавжларингдан кулиб юрган –

Худбинлар бор – англамаслар сени зинҳор,
 Билмайдилар – оғушингда не сирлар бор...

Сен-чи, бугун шиддат билан тошмоқдасан,
 Кўпикланиб қирғоғингдан ошмоқдасан...

Ростин айтай, менинг ҳам бир тошгим келар!...
 Шу бир йиллик тўсиқлардан ошгим кепар!...

Кошки мен ҳам сендей шиддат олиб оқсам!...
Инсонликнинг ғовларини йиқсан, ёқсан!...

Кўнглим ўксик – менинг халқим кичик бир кўл,
Дарёларга етказсадим топиб бир йўл!...

Сўнг чекинсан ғарқ бўлганча кўз ёшимга!...
Майли, нелар битсалар қабр тошимга!...

Мендан қолган бу тупроқда оқса бир сой,
Янги одам, янги ҳавво курса сарой!...

Янги майса, янги гуллар унса шоён,
Яралсайди янги бир халқ, янги инсон!...

Сен ҳам буни эшитиб шод боқар эдинг,
Ўзанингда сокин ва тинч оқар эдинг!...

Сувларингда ғамгин юзим чайдимми, бас,
Дунай, менинг ийғлашларим бекор ўмас!...

ҚОРОНГИ, СОВУҚ...

Қоронғи, совуқ...
Оташ йўқ, нур йўқ...
Мозорлар йиқиқ, мозорлар йиқиқ...

Булутлар кечар,
Тоғдан сув ичар,
Бир сассиз кеча, бир сассиз кеча...

Тинмайин асло
Шовуллар дарё,
Хотиримда жо, хотиримда жо...

Тоғлар пурвиқор,
Устида муз, қор,
Остинда мозор, остинда мозор...
Бўлса бир юлдуз,
Севикли бир қиз,
Фотима, сундус; Фотима, сундус...

Ё гўдак бўлсан,
Қайгули Онам
Тўшагим солар, тўшагим солар...

Совқотдим, Онам –
Устим ёпмас ҳам,
Мен шўрлик пурғам, мен шўрлик пурғам...

БОБОМГА

Аскар бўлдик, сурилдик,
Ёт элларда қирилдик,
Эскиликни ташлангиз,
Ўқитмоқни бошлангиз!
Келсин, ҳолим сўрасин,
Битсин юрак яраси,
битсин юрак яраси...

Ёт қизчалар куйлашар,
Юртларини ўйлашар,
Эскиликни ташлангиз,
Ўқитмоқни бошлангиз,
Бир татарча куй сасин
Дўст-душманлар тингласин,
дўст-душманлар тингласин...

Сўқишамиз ёв билан,
Курашамиз тов¹ билан,
Эскиликни ташлангиз,
Ўқитмоқни бошлангиз,
Имдод бўлиб етишсин,
Бахтнинг шуъласи тушсин,
бахтнинг шуъласи тушсин...

Бахт кўп қайсар, енгилмас,
Ёлвормас у, эгилмас,
Эскиликни ташлангиз,
Ўқитмоқни бошлангиз.
Қайсар бахтни тутайлик,
Зиндонларга отайлик,
зиндонларга отайлик...

Ҳой қалдирғоч, митти қуш,
Бизнинг юрга бориб туш...
Бобомга сен шуни айт,
Жавобини олиб қайт,
жавобини олиб қайт!...

ИЗОҲЛАР

1. Бакир Чўбонзоданинг бу “Илмий ва маданий масалаларимиз тўғрисида” номли мақоласи “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1925 йил 18 сентябрь сонида босилиб чиқкан. Мақола араб имлосидан табдил қилинди.

2. “Туркиётчилар қурултойи муносабати билан” мақоласи “Коммунист” журналидан олинган бўлиб, “Фарғона” газетасининг 1925 йил 21 ноябрь сонида қайта босилган. Мақола араб имлосидан табдил қилинди.

3. “Янги алифбе йўлида илмий ва назарий ишлар” мақоласи “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1928 йил 11 январь (№9) сонида босилган. Мақола сарлавҳасидан кейин: “Янги турк алифбе қўмитасининг иккинчи пленумида қўмитанинг илмий котиби профессор Чўбонзоданинг доклади”, деган изоҳ берилган. Мақола араб имлосидан табдил қилинди.

4. Бакир Чўбонзоданинг “Алифбе бирлиги, сингормонизм ва фонетика масалалари” мақоласи “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1928 йил 18 январь (№15) сонида босилиб чиқкан. Мақола араб имлосидан табдил қилинди.

5. Олимнинг “Ўзбек адабий тилининг ўсишида уч асосий йўл” мақоласи “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1929 йил, 22 май (№116) сонида босилган. Мақола араб имлосидан табдил қилинди.

6. Бакир Чўбонзоданинг “Янги алифбенинг янги ютуқлари ва галдаги вазифаларимиз” мақоласи “Аланга” журналининг 1928 йил 12-сонида босилиб чиқкан. Мақола лотин алифбосидан табдил қилинди.

7. “Бирлашган алифбени яхшилаш масалалари” номли мақоласи “Аланга” журналининг 1930 йил 3-сонида босилган. Мақола лотин лифбосидан табдил қилинди.

8. Вадуд Махмуднинг “Тил ва ҳарф масаласи” номли мақоласи “Масриф ва ўқитғувчи” журналининг 1925 йил 5-6-сонида босилиб чиқкан. Мақола араб имлосидан табдил қилинди.

9. Вадуд Махмуднинг “Туркиёт қурултойи” мақоласи “Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1925 йил 11-12 қўшма сонида эълон этилган. Бундаги айрим мулоҳазалар Бакир

Чўбонзода қарашларига мос келади. Мақола араб имлосидан табдил қилинди.

10. Академик Воҳид Абдуллаев (1912 -- 1985) узоқ йиллар Самарқанд давлат университетида ўзбек адабиёти тарихидан дарс берди. Кўлгина дарслик, қўлланма, монография ва илмий мақолалар ёзди. Бу мақоласида устози Бакир Чўбонзодани хотирлайди. Мақола 1977 йил 8 сентябрда “Ленин байрагъы” газетасида босилиб чиқади. Уни топиб бизга тақдим қилгани учун Айдар Эмировга миннатдорчилик билдирамиз.

11. Бакир Чўбонзоданинг шеърларидан намуналар шоир Усмон Қўчқор таржимасида “Жаҳон адабиёти” журналининг 2012 йил 5-сонида босилган.

МУНДАРИЖА

<i>Бакир Чўбонзоданинг фаолияти</i> хусусида айрим мулоҳазалар.....	3
МАҚОЛАЛАРИДАН НАМУНАЛАР	12
Илмий ва маданий масалаларимиз тўғрисида.....	12
Туркиётчилар қурултойи мұносабати билан	
Академик Бартольднинг мақоласи	14
Профессор Чўбонзода мақоласи.....	15
Янги алифбе йўлида илмий ва назарий ишлар	18
Алифбе бирлиги, сингормонизм ва фонетика масалалари.....	23
Ўзбек адабий тилининг ўсишида уч асосий йўл.....	24
Янги алифбенинг янги ютуқлари ва галдаги вазифаларимиз.....	26
Бирлашган алифбени яхшилаш масалалари	32
ИЛОВАЛАР	39
Тил ва ҳарф масалалари	39
Туркиёт қурултойи.....	45
“Чобан-заде меним де устазым”	48
ШЕЪРЛАРИДАН НАМУНАЛАР	50
Онам	50
Билмайин.....	51
Бир изн берингиз!.....	51
Кекса Дунай	52
Минг тўққиз юз ўн тўққиз.....	53
Туман	53
Она тилим	54
Умид.....	55
«Менинг ҳам қалбимда қиш бордир бу кун...»	56
Бир сарой қуражакман!.....	56
Олис тоғлар	57
Дунай тошар	58
Қорёнғи, совук.....	59
Бобомга	60
ИЗОХЛАР	61

Адабий-илмий нашр

БАКИР ЧЎБОНЗОДА ВА ЎЗБЕКИСТОН

Муҳаррир:
Нафиса Каримова

Мусахҳих ва техник муҳаррир:
Гавҳар Зайниддинова

Дизайнер:
Василий Бурцев

«Muхarrir nashriyoti»
Лицензия: AI № 309. 2017 йил 22 июн.

Теришга 2017 йил 10 сентябрда берилди.
Босишига 2017 йил 20 ноябряда руҳсат этилди.
Бичими: 84x108 1/32. «Virtec Times» гарнитурасида
оғсет босма усулида оғсет қоғозида босилди.
2 шарт. б.т. 3.26 ҳисоб нашр. таб.
Адади 300 нусха. 235-сон буюртма.

“Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида чон этилди.
100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзеи,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru

Мазкур китобда XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистон ижтимоий-маданий ҳаётида муйайян из қолдирган қримматар зиёлиси Бакир Чўбонзоданинг ўзбек матбуотида босилиб чиқкан мақолалари жамланди. Шунингдек, китобчага мұнаққид Вадуд Маҳмуднинг иккита мақоласи, академик Воҳид Абдуллаевнинг хотира-мақоласи ҳамда Бакир Чўбонзоданинг ўзбек тилига таржима қилинган айрим шеърлари илова қилинди. Китоб 20-30-йиллар маданий-маърифий мұхитини, тилга доир давр сиёсати ҳамда мустабиғат түзүм қурбони бўлган олим ва шоир Бакир Чўбонзода илмий-адабий фаолияти ҳамда бадиий ижодини масаввур қилишга ёрдам беради.

ISBN 978-9943-5117-7-4

9 789943 511774